

# BU UMMATNING QIZI

## NURIDDIN YILDIZ

Ўзини замонавий кўча қизи эмас, Мадина маданиятининг ўз давридаги вакили деб биладиган, ҳижобдан илмгача бўлган барча соҳаларда ушбу умматнинг қизи бўлиш заруратини Бадрдаги мужоҳидларнинг ҳаяжони или амалга оширишга интилган муборак қизларга... Тилингиз билан дуо қилганингизда ёдингиздан чиқмайлик деб... Аллоҳ учун тер тўккан пайтингиздаги буюк амалларингиз васила бўлиб, Аллоҳ бизга раҳматларини ёғдирсин дея... Мана шундай қизларга ва суюкли қизимга...

**Аллоҳим! Сенгагина ҳамду санолар бўлсин!**

Неча минг йилдан бери шайтон инсонни яратилиш мақсадидан адаштиришга ҳаракат қиласапти, онамиз Ҳаввони жаннатда алдашга уринди. Ўшандан бери у эрларимиз ёки аёлларимиз билан биздан қасос олмоқда. Водийлар, кўчалар, уйлар – ҳаммасини фасод билан тўлдирди. У маданиятларни бузди. Шаҳарларни вайрон қилди. Инсониятни шамдек эритди. Шайтон оммавий ёки яширин сажда қилинадиган бутга айланди. Ҳар куни Қиёматга оз-оздан яқинлашиб бораётганимиз бу замонда шариат билан яшашни шараф деб биладиган ва ёш бўлишига қарамай, бу умматнинг қизи бўлиш азиматини ҳис қилган қизлардан бизни мосуво этмадинг.

Солиҳа, обида, зоҳида, муроҳид аёллар сифатида үларга ҳаяжон бахшида қилдинг. Ҳижоб ва басиратлари ила шаҳарларимизда гул каби очилишди. Кучли эътиқодлари билан хонадонларининг қувват манбаи бўлишди. Чексиз ҳаяжонлари билан умматимизга умид беришди. Мадрасаларда фиқҳ ўрганаётганда, уйларида она ва ёр бўлганда, ярим кечаси жойнамоз узра Сенга сажда қилаётганда, Қуръонни ўқиётганда бизнинг раҳмат сабабчимиз бўлишди.

Аллоҳим, Сенга ҳамд айтаман, Сенинг қайси неъматларингни санаб тугатай?

Аллоҳим, Сен бизни неъматларинг билан ўраб олдинг. Шукр қилсак ҳам, қилмасак ҳам Сен доимо лутфдасан. Энди эса бузғунчилик асрида бу муборак қизларни бизга раҳмат василаси қилиб юбординг. Эркаклардан аввал Сенинг шариатингга толиб бўлишди. Фитналарга қарши жанг майдонининг энг олдида туришди.

Аллоҳим, барча ҳамлар ёлғиз Сенга. Неъматларнинг энг зарури – юборган пайғамбаринг Мұхаммадга дуруду саломлар бўлсин. У зотнинг аҳли байтига, асҳобига салоту саломлар йўллагин.

Аллоҳим, бизни у зотнинг уммати бўлиш қийматини билиб, бандалигимизни ҳаққи билан адo этиш имконини бер! Бу умматнинг шу замондаги мўминлари сифатида Пайғамбаримиз алайҳиссаломни ва у зотнинг даъвосидан чалғитадиган нарсалардан бизни узоқ қил.

Аллоҳим, дунё тўла эркаклардан аввал пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссаломга қалбини бағишилган, ҳам молмулки билан, ҳам руҳан ва ўзининг жўшқин тили билан қўллаб-қувватланган, бу умматнинг ва аёллар дунёсининг саййидаси, оналаримизнинг онаси, қулинг Ҳадича бинти Ҳувайлиддан рози бўл. Уни фитна авж олган бир даврда Сенинг динингга маҳкам ёпишган бу умматнинг қизларига она қил, эртаниги оғир кунларда бу қизларни унинг этагидан ажратма. Бу умматнинг қизлари «Она!» деб унга юзланганларида, «Қизларим!» дея уларни шафоат қанотлари остига олсин.

Аллоҳим, бизни ҳам үларга бағишила.

Аллоҳим, бу қизларни у онадан айирма. Бугун бу қизлар Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг шариати йўлида «Биринчи бўлиб мана мен борман», дея бу шарафни оқлашсин. Эртага у зот соллалоҳу алайҳи васаллам ҳам: «Энди мен сизлар учун борман», деб айтсин бу қизларга.

Аллоҳим, бизни ҳам үларнинг ораларига қўш. Албатта, үларнинг орасига қўш.

Аллоҳим, раҳматинг ила, иноятинг ва чегараси йўқ раҳматинг ила дуо қиласиз...

Бу уммат қизи учун илк ва охирги сўз

Азалий ва абадий қонун Аллоҳ таолонинг қонунидир. У Зот нимани буюрган бўлса, фақат ўша тўғридир. Шайтон ва унга эргашганларнинг ҳеч қайсиси бу чексиз ҳақиқатни ўзгартира олмайди. Қисқа давр учун кўтарилилган куфр олови ўчади ва Ҳақнинг нури юксалади. Бу – қонун. Қўёш

ва бутун коинот барҳам топса ҳам бу қонуният абадий қолади. Мана шундай ҳақиқат бу қонундир.

Аллоҳ таоло инсонни яратишни ирода қилди ва У Зот уни яратди. Аввал У Зот тупроқдан отани, отадан эса онани яратди. Иккисидан бутун инсоният вужудга келди. Оталик ва оналикини қонун қилиб белгилаб қўйди. Инсон яратилади ва бу жараён онанинг қорнида амалга ошади! Бу абадий қонундир. Бошқа ечими ҳам, муқобили ҳам йўқ.

У ҳақиқатга кўра онанинг бачадони инсондир. Она, яъни қиз, аёл – инсониятнинг мезонидир. Шайтон ҳам бу ҳақиқатни тушуниб етди. У инсониятни йўлдан уриш учун ҳаракатни аёлни олдинга чиқариш билан бошлади. «Бир аёл бутун инсониятдир» деган доирада иш олиб борди. Аёлни йўлдан урди. Илк кундан бошлаб аёлни залолатга тортишга уринади. Муваффаққиятга эришган пайтлари ҳам, мағлуб бўлган пайтлари ҳам бўлди. Энди ғалабага эришдим, деганида Аллоҳ таоло Осиёни чиқарди ва шайтон енгилди. Марямни чиқарди, у яна енгилди. Ҳадичани чиқарди. Кураш ҳануз давом этмоқда. Шайтон бузишга ҳаракат қилмоқда, аммо содир бўлаётган ишлар Аллоҳ таолонинг иродаси билан амалга ошмоқда.

Сўз Аллоҳникидир. Мулк унинг мулки. У Яратгувчиidir. У жон олувчиidir. Осмон ва дўзах Уницидир. Пайғамбарлар ва маъно бағишилаган Удир. Қонунияти аниқ: аёлнинг рахми дунёга туннелимиз бўлади. Бизнинг танамиз дунёга келиши учун ҳам бу туннел аёлда, руҳимиз аслига этишиши ҳам аёл билан амалга ошади. Қонун аниқ: бу диннинг Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи васаллам

вазифаси билан юзлашган илк кунда «Мени ўраб қўйинг», деганида бу диннинг биринчи аёли: «Туринг, мен шу ердаман, ёнингиздаман», деган эди. Ўша куни аёл у эди. Бугун ва эртага ҳам Аллоҳнинг изни ила у бўлади. Агар олимлар пайғамбарларнинг меросхўрлари бўлса, уларнинг аёллари олимларга: «Туринг. Мен шу ердаман», дея қувват манбаи бўлишади.

Ўша даврдаги дунё бугун ҳам ўша-ўша. Ўша даврдаги одам бугун ҳам ўша-ўша. Қонунлар ҳам худди ўша қонунлар. Одам фарзандини аёл дунёга келтиради. Инсониятни аёл давом эттиради. Баъзи кимсалар Исломнинг мавқеини туширмоқчи бўлганда аёл уни кўтаради. Шайтон нима қилмасин, Аллоҳнинг саройларга яширган Осиёни тополмайди. Аллоҳнинг изни ила ёш бир қиз бу умматнинг руҳи билан тирилади ва тирилтиради. Пайғамбаримиз Мұҳаммад алайҳиссалом кўрсатган йўлга худди ҳижоби каби ўранади, нафасини Қуръони билан олади, шариат қон томирларидан оқаётган қизлар Фиръавн ҳам, унинг тузумини ҳам денгизга чўктирадилар. Мана шундай мардликни ҳам улар амалга оширишади, мард эркакларни ҳам улар дунёга келтиришади. Бу – тақдир. Бу – қонун. Дунёнинг гуноҳ тўла маконлари, шайтоннинг фидоий хизматкорлари, ўтмишдаги вайронгарчиликлар узра яна янги вайронгарчиликларни режалаганларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли боши берк кўчага киришга уринаётганлар, хуллас, ким нима қилишидан қатъи назар, охирги сўз Аллоҳнивидир. Қонун Унинг қонуни. Аллоҳ таоло айтадигани айтган. Айтилган бу сўз бизга Осиё ва Марям оналаримиз орқали етказилди. Исройл ўғиллари

даврида бир аёл Фиръавндек бир ваҳшийнинг хотини бўлгани ҳолида, ботинидаги имони үнга: «Аллоҳим, менга йўзингнинг ҳузурингдан бир уй бер ва мени бу золимларнинг қўлидан қутқар», деб айтган эди. Осиё уларнинг қизи эди. Аллоҳ ундан рози бўлди ва унинг исмини Қуръони каримда зикр қилди. Бу инсоният учун берилган энг хайрли умматнинг қизлари энди Аллоҳ таолога юзланиб, Унинг шариатга таслим бўлганлари ҳолда, қанақасига бу умматнинг Осиёлари бўлишмасин? Қонун Аллоҳнинг қонунидир, сўз ҳам Уники. Бу умматнинг қизлари бу умматни уйғотади. Имонимизни улардан ўrnак олишга буюрган Аллоҳ таолодир. Мен йиғлай олмайман, инграй ҳам олмайман. Умидимни ҳеч ким тугатолмайди. Умматимни ҳеч ким ўлим билан қўрқита олмайди.

Бу умматнинг қизлари бор экан, ҳаёт давом этади. Қиз фарзанд бизни жаннатий қиласр экан, Аллоҳ таолонинг изни ила жаннатдамиз. Бу бизнинг ilk ва охирги сўзимиз. Зеро, Қонун ҳам шу. Уч қизни ўстирганга жаннатни ваъда қилган Пайғамбар алайҳиссаломни эшитиб олсин. Тушунмаган тушуниб олсин. Бундан буён инсоният эшитсин, билсин ва тушунсин. Бу умматнинг қизлари ҳам ўзига келсин. Аслиятига қайтсин. Ҳақиқат шудир. Алҳамдуиллаҳ.

Бу уммат ким? Бу уммат Аллоҳ таоло Маккада пайғамбар қилиб юборган Мұҳаммад алайҳиссаломга имон келтирғанлардир. Үнга Аллоҳ таолонинг саловат ва саломлари бўлсин. У зот башоратини Маккада эълон қилди. Мадинада динининг давлатини қурди. Динини үнга

иймон келтирган биринчи авлодга ўргатди. Аллоҳ таоло унга Қуръони карим деган китобни берди. У китобга амал қилишни, ҳаётни унинг асосида давом эттиришни буюрди. Пайғамбар ўлароқ Мұхаммад алайҳиссаломни, китоб ўлароқ Қуръонни, дин ўлароқ Исломни, ҳаёт тарзи ўлароқ унинг шариатини, қибла ўлароқ Каъбани, дўст-биродар ўлароқ мўминларни қабул қилган ҳар бир киши шу умматдандир. Бу умматнинг бошланғичи Пайғамбар алайҳиссаломнинг рафиқаси ва у зотга биринчи бўлиб иймон келтирган Ҳадича розияллоҳу анҳодан бошланади. Интиҳоси эса қиёматдан олдин охирги иймон келтирган инсон билан тугайди. Энг биринчи иймон келтирганидан бошлаб то энг охирги иймон келтирган ҳар бир инсон шу умматдандир. Бу умматдаги ҳар бир кишининг қадри унинг қулликдаги муваффақиятига кўрадир. Биринчи авлод бўлмиш саҳобаи киром энг чиройли бандаликни энг қийин шароитларда қилишгани учун энг қадрлилардан бўлишди. Аллоҳ таоло улардан рози бўлсин. Энг гўзал имон уларнинг имони бўлди. Энг гўзал ибодатларни улар адо этишди. Жиҳоднинг энг фазилатлиси уларнинг жиҳоди эди. Хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, муборак бир авлодга айланишди. Аллоҳ таоло уларни севди. Пайғамбар алайҳиссалом севди. Барчамизга уларнинг қуллиги намуна бўлди. Қариларнинг қуллиги, ёшларнинг қуллиги уларга қараб белгиланади. Улар Қуръони карим нозил қилинган даврнинг мўминлари сифатида яшашди. Қилган хайрли ишлари мақтовга сазовор бўлди. Хато ишлари қораланди. Улар қандай ҳолатда бўлмасин, Исломдан

асло воз кечмадилар, Яратганнинг энг охирги ва мукаммал динида яшаб ўтдилар.

Ким бугун ва охиратгача бутун умрини солиҳ бандада сифатида яшамоқчи бўлса, улардан ўрнак олади. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам бошчиликларида, ер ва осмонни тўлдирган фаришталарнинг гувоҳлигига мусулмон бўлиб яшадилар. Уларнинг бу мусулмонлик ҳаёти ҳаммага ибрат бўлди. Намоз улар ўқишганидек, рўза улар тутишганидек адо этилади. Ҳатто биродарлик ҳам уларнинг биродарлигидек адо этилади. Никоҳ ва ажрашиш уларнидек ҳукм этилади. Мўминнинг феъл-атвори, мусулмон шахсияти барча замон ва ҳар қандай мұхитда биринчи бўлиб улардан олинади. Бу умматнинг бошида улар туришади. Аллоҳ таолонинг изни билан охиригача уларнинг изи ва таъсири туради. Улар билан бир сафда бўлиш Қуръон билан бир сафда туришдир. Бу Пайғамбар алайҳиссаломга эргашишнинг энг гўзал, ва мукаммал шартидир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг атрофида ёш йигит-қизлар бор эди. Улар Аллоҳ рози бўладиган ҳаёт кечиришди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом том маънода уларни бағриларига босдилар. У зот уларни севдилар. Ўз фарзандлари ва набираларидан ажратмадилар. Худди ўзларининг фарзандлариdek муомала қилдилар. Бу ёшлар ўша даврнинг мўминлари сифатида яшашдилар. Улар рози бўлишди ва рози қилишди.

Бу уммат қиёматгача яшайди. Умматнинг ичидаги ёш йигит-қизлар бўлади. Аллоҳ таоло илк авлоднинг ёшларини

қандай кўрган бўлса, бу давр ёшларини ҳам шундай кўришни истайди. Бунинг учун асҳоби киромнинг авлоди бизга мисол бўлади, деймиз. Бу умматнинг қизлари хоҳ ҳозирги замонда ёки бошқа бир вақтда: «Аллоҳим! Мен шу ердаман!» деб айта оладиган бекаму-кўст қизлардир. Ота-онасининг ёнида бўлганида, кўчада дўстлари билан бирга юрганида, тўйи куни, турмушга чиқиб, бошқа бирорга турмуш ўртоқ бўлганида, гўдагини бағрига босиб, она бўлганида: «Аллоҳим! Мен шу ердаман!» деб айтадиган қизлар бу умматнинг қизларидир! Улар «Мен шу ердаман», дейиш билан оталарининг бутларидан воз кечган ва Аллоҳнинг ваҳийсига бўйсунган қизларнинг давомчиси бўлишади. «Аллоҳим! Мен шу ердаман!» деган сўз шариатингга бўйсунаман, ширк ва куфрдан таъсиранмайман, динимни ҳар замон ва ҳар макон учун деб биламан, деган овоз бўлади.

Улар бу умматнинг қизларидир. Гўдакликларида қулоқларига айтилган аzonни жонлари узилгунча эшитадиган қизлардир улар. Улар асл муслималикни тўй кунига асраб қўйишиади. Уларнинг ҳақиқий ёпинчиқлари (ҳижоблари) мияларини ўраб олган. Ширк ва бидъат, хурофот, модернизм уларнинг мияларини кўра олмайди. Улар сабр-матонат эгаларидир. Улар атроф-муҳитнинг босими олдида эгилмайди, енгилмади, бўйсунмайди...

Инсоният учун берилган энг хайрли умматнинг бу қизлари инсоният учун қимматбаҳо дурдир. Уларнинг борлиги шарафли инсонларнинг борлигини билдиради. Ҳа, улар кўп эмас. Гарчи улар оз бўлса-да, асл қимматбаҳо дур

кабидир. Улар саодат асри давридан анча узок даврнинг одамлариidir. Улар тайёрига келадиган эмас, тайёргарлик кўрадиган умматдир. Улар гўдак, қизалоқ, ёш қиз, турмуш ўртоқ, оналардир. Улар гўзаллик, севги, муҳаббат эгалариidir. Улар Аллоҳ таоло: «Улар билан ҳузурланинг», дея марҳамат қилган аёлдир, яъни турмуш ўртоғингиздир. Улар оёқлари остида жаннат бор оналардир. Улар ҳақиқатни таълим берадиган самимий ва дўстона ўқитувчилардир. Улар сабр-тоқат ила зикр ва дуолар қилувчи аёлдир. Улар кийим-кечак ва идишларни ювадиган, уй саришталаб, топ-тоза қиладиган хонадон бекасидир. Улар фарзанд туғиб, уни тарбия қилиб, турмуш ўртоғига суюнчиқ бўлиб, бўлажак комил оталарни камолга етказишади. Улар бўлажак оналарга солиҳа она бўлишади. Улар ҳаёт чечаклариidir. Улар ҳаётни гўзал ва нурга тўлдирган умматнинг асл ўзаги бўлган умматдир. Улар Аллоҳнинг изни ила имонимиз ва мусулмонлигимизнинг бақосидир. Аzon айтилган тупроқларимизда униб-ўсан, вояга етган солиҳа қизларимиздир улар. Бу шундай бўлган ва бундан кейин ҳам шундай давом этади. Шайтон битта қизимизни йўлдан оздирмоқчи бўлса, бу ҳолат барча қизларимизни қайғуга солади. Ҳатто битта қизимиз: «Аллоҳим, мен шу ердаман! Мен шариатингнинг сўнгги ҳимоячиси бўлишга тайёрман» деса, бу гапи биз учун бутун инсониятнинг умидидек катта умид бўлади.

\*\*\*

“Муҳтарам устоз! Аллоҳга шукр бўлсинки, сиз ва сизга ўхшаган устозларимиз бизга зиё улашмоқдасиз. Менинг уч

нафар фарзандим бор. Биз Германияда яшаймиз. Фарзандларимни имкон қадар Ислом йўлида хайрли авлод қилиб тарбиялаш ҳаракатидаман. Лекин уларнинг хатога йўл қўйишларидан жуда қўрқаман. Улар ҳаққига кўп дуо қиласман. 12 ёшли қизимга намоз фарз бўлди. Алҳамдуиллаҳ, у намозларини ўқияпти, аммо баъзан тортишиб қоламиз. Намоз вақти бўлганда уни огоҳлантираман. Ҳадеб такрорлайверганимдан кейин вазият таранглашади. Мен нима қилишим керак? Мен уни намозни энг охирги вақтига қолдиришини хоҳламайман. Ёки бу ишим хатоми?

Қизим мактабга боради, аммо рўзаларини тутмасликка йўл қўймайман. Вақтида рўза тутади. Лекин бу ҳолатга атрофимдаги қўшнилар эътиroz билдиришади. Ҳатто мени «Виждонсиз онасан» дейишади. Фарзандларимга яхши она бўлолмаслиқдан жуда қўрқаман. Баъзан уларни ҳимоя қила олмаганим учун қийналаман. Вақти келиб уларнинг: «Нега бу ҳақда бизга айтмадингиз?» дейишларидан ва хатога йўл қўйишларидан... ҳаммасидан қўрқаман. Ён-атрофимда немис-руслар яшашади. Уларнинг эътиқоди бошқача. Мана шундай муҳитдан болаларимни ҳимоя қила олмаслигимдан доим ташвишдаман. Насиҳатни имкон қадар уйда қилишга интиламан. Бизнинг ғамимиз дунё эмас, охират кунидир. Аллоҳ сиздан рози бўлсин. Аллоҳга омонат бўлинг”.

Мўмина синглим, сиз менга Германиядан мурожаат қилаётган бўлсангиз ҳам, кўз ўнгимда тургандексиз. Умматимнинг қалби ўртанаётган аёлларидан бири,

динининг дардидаги жигарпораси кўз олдимга келди. Мен сизни ўзим деб ўйладим. Сизни Каъба ёпинчиғига ёпишиб, «Ё Раббим!» деб йиғлаган аёллардан бирисиз, деб ўйладим. Мен сизни сахрода боласи учун сув қидириб у ёқдан-бу ёққа юргурган Ҳожар онамиз деб ўйладим. Сизнинг ҳаққингизга дуолар қилдим. Аллоҳим сизнинг фарзандларингиз ҳаққига қилган дуоларингизни ижобат этсин! Аллоҳим сизни орзу-умидларингизга эриштирсин! Сиз фарзандлар имонини, камолини истаб қайғурган солиҳа бир онасиз. Шоҳид гўдагининг шафоати билан тирилиш сизга насиб этсин. Солиҳа аёл бўлиб, солиҳ фарзандларни тарбиялаш шарафини кўрасиз. Сизни табриклайман. Хоссатан, умр йўлдошингизни табриклайман. «Суннат хонадони»ни барпо этган бу ўйингиз сизга муборак бўлсин. Сабр билан бус-бутун сақлаган қалъангиз боқий қолсин. Фарзандларингиз ҳаққига фарзандларимга қилгандек дуода бўламан. Аллоҳ сизга ёрдамчи бўлсин, шу дард билан яшанг ва умрингиз охиригача шу дард қайғусида бўлинг. Иншааллоҳ, ажр ва савоб эгаси бўлурсиз...

Ҳатто бу дард сиз учун савобнинг манбаи бўлади. Буни асло үнутманг. Сиз жиҳоддасиз, Бадрда, Ухудда эканингизни қабул қилинг. Шу ҳолингизда қолинг ва шундай яшанг.

Сизга бошлаб олишингиз учун кичик тавсиялар бераман, лекин шунчаки қолиб кетмасин. Уларни ўзингизга тамойил қилиб олинг:

- Фарзандларингиздан хавотирланинг, бу хавотир васвасага айланиб кетмасин. Турмуш ўртоғингиз билан давомли равишда мувозанатни сақланг. Бир сиз, бир у ташаббусни қўлга олсин. Шунда ҳаётда қоқилмай, олға кетасиз;
- Фарзандларингизни ибодатда бўлишига қатъий туриңг, лекин йигирма ёшларигача баъзи-баъзида улардаги дангасаликка ўхшаш камчиликларни кўрмаганга олинг. Ёшига номуносиб талабларни қўйсангиз, сиздан узоқлашиб кетишлари мумкин. Вақти-вақти билан бир кўз, бир қулоғингизни юминг. Ўта талабчан бўлсангиз, қувватингиз тез тугаб қолиши мумкин;
- Фарзандларга берадиган энг яхши ёрдамингиз үларга намоз ва Қуръон ўқийдиган дўст топишингиздир;
- Ҳеч қачон ҳадеб танқид қиласидиган, камчилик топаверадиган, ҳар доим маломат этадиган одам бўлманг. Худди қиши бўронли, баҳори гулларга тўла дунё каби бўлинг;
- Фарзандларнинг баъзи-баъзида кўнгилхушлик ва шўхликлар қилгилари келади, бу табиий ҳол. Сиз бу эҳтиёжни таъминлаб беролмасангиз, ular буни амалга ошириш учун сизга ёқмайдиган томондан йўл топишади. Жуда эҳтиёт бўлинг;
- Бола тарбияси ҳар доим жиҳод қилиш билан teng бўлган. Ҳозирги вақтда эса энг катта жиҳодга айланди. Бу ишнинг муҳимлигини тушунинг. Бу мақсад йўлида ёлғиз қолишингиз мумкинлигини билинг ва бунга тайёр туриңг;

- Қўлингиз дуода бўлсин. Ҳеч қачон қўлингизни пастга туширманг. Аллоҳ таолодан ёрдам сўранг. Сабр-матонат тиланг;
- Куч-қувватингизни замонга тарқатинг. Фарзандларингиз, турмуш ўртоғингиз, ўзингиз ва биз учун дуо қилинг. Шуни яхши билингки, сиз ва сиз каби Германияда ғурбатда юрган бошқа бир мўмина аёлнинг кўз ёшлари тупроқларимизга раҳмат ёғилишига сабаб бўлади. Сиз онасиз, дуо қилинг. Ота-она дуоси ижобатdir.

Сиз Онасиз. Бу уммат ичидан яна Осиё, Марям, Ҳадича каби солиҳа оналаримиз чиқажак. Сиз мана шундай умматнинг бир вакилисиз. Сиз мана шундай оналаримиз каби оналарни үлғайтиражаксиз, иншаллоҳ.

Аллоҳимга дуо қилинг, синглим. Қўлларингиз толиққунча дуо қилинг. Намозларингиздан кейин ҳам, намозларингиздан олдин ҳам дуода бўлинг. Сиз кўрмасангиз ҳам, осмон сизнинг дуоингизга “омин” деб турадиган фаришталарга тўла. Аёллар – оналар қимматбаҳо жиҳозлар, турли сарпо-сурислар, қўни-қўшни билан ғийбатлашишлар, уйни тозалаш, рўзғор ташвишлари билан ўралашиб, дин аҳкомларини унтиб қўйишмоқда. Ихлос ила дуолар қилинмагач, улар ижобатини қандай кутамиз?!

Бизнинг, айниқса, аёлларнинг дунёқарашини ўзгартиринг, синглим, ўзгартиринг. Қўлларингизни дуога шундай очингки, осмондаги булутлар пастга тушсин. Дунё учун чеккан ҳасратларимиз тугасин... Қори болаларимиз, Қуръон булбулларимиз кўпайсин...

Бу умматни Исломга, Расулига ошиқ, мақсадига мұхаббатли фарзандлар билан тирилтириңг.

Биз қайси даврдамиз?

Күн, ҳафта, ой, йил... Биз қайси даврдамиз?! Масалан, үтган әллик ва кейинги әллик йил билан солиширганда бизнинг вақтимиз қандай белгиланади?

Исо алайҳиссалом туғилған пайтга асосланиб, биз шу йилдамиз, деганларга қарши Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳижратларини асос қилиб, бу йилдамиз ҳам дейишимиз мүмкін. Бу саналар биз үчун маълум бир тарихни акс эттириши мүмкін, аммо боши ва охирини белгилай олмайдиганимиз дунё ҳаётининг қаерида эканимизни түшүнтириш үчун аниқ бир тақвимни күрсатолмаймиз. Бундай тақвимни ҳеч ким ҳам күрсатолмайди!

Боши ва охирида бўлмаганимиз, боши ва охири ҳақида аниқ маълумотимиз йўқ вақтнинг ҳозирги ҳолатини қандай белгилашимиз мүмкін? Энг осони ўзимизга тўғри келадиган бир чизиқни чизамиз-да, «Ҳозир шу ердамиз», деб қўя қоламиз. Бу назариямиз ҳам ибтидо ва интиҳонинг Яратувчисига нисбатан «ҳеч вақо»дан бошқа нарса бўлолмайди. Бизнингча эса, тарих у ёки бу давр деган муболағадан иборат, холос.

Бу худди ер шарининг ўртасини топишнинг тафсилотига ўхшайди. Думалоқ ернинг қаерида бўлсангиз ҳам: «Ўртаси мана шу жой» деган қарашни қандай нотўғри дейиш мүмкін?

Яратувчи учун эса унинг чети ҳам, ўртаси ҳам аниқ.

Бугун бизни ўнгдан, чапдан, тепадан, пастдан атрофимизни қамраб олган воқеалар ўртасида ўзимизга: «Киммиз ва қаердамиз?» ёки «Атрофимизда нима содир бўлмоқда?» деган саволларнинг жавобини ҳам фақат шу тарзда топдик, дея айта оламиз. Биз Аллоҳнинг бандаларимиз. Мана шу давр учун Унинг яратган қулларимиз.

Биз воқеалар деб атайдиган нарсаларни устимизда тажалли эттиришни ирова қилган Раббимизнинг ожиз, лекин мана шу ҳолатимиз билан иззат кўрган бандаларимиз. Ёки ушбу воқеаларнинг бошланиши деб бир чизиқ чизиб, ўзимизга хос кўнгил хотиржамлиги билан: «Биз мана бу ердамиз, воқеалар эса унинг ичидা», деймиз. Бу қарашимиз тарихни белгилаш ёки дунёнинг қоқ марказини аниқлаш деб олинади ёки қуллигимизни, бизни banda ўлароқ яратган Раббимизни эслаб, замон ва макон тушунчалари оша Унинг розилигини топиш мақсади томон кетаётиб ўзимиз чизган чизиқлар ичидаги тор ва қоронғи майдонда қолиб кетишдан қутуламиз. Ё ўзимиз қазиган чоҳни янада чуқурлаштирамиз ёки ана ўша чоҳдан Аршга қараб юксаламиз. Бунинг учинчи муқобили йўқ. Шу куни содир бўлган воқеа, шу киши ишлаб чиқсан лойиҳа дея белгилаганимиз ўлчов асносида бизни қийнайдиган ҳиссиётнинг умумий номи ёлғизликдир. Бу ҳолат ҳамма ўзининг дарди билан ўралашиб қолган, буюк уммат бўлишнинг азаматини ҳис қила олмаслигимизнинг оғриқли нуқтасидир.

Мўминнинг ҳаётидаги имтиҳонларга бугунги воқеалар билан баҳо беришга ҳаракат қилиб қийналиши ҳаётини икки минг ўн олти йилдан иборат деб ўйлаганлар тиқилиб қолган тор йўлакка ўхшайди. Кенгроқ доирадан қарасак, минг йилга яқин даврнинг ҳар бир куни ва ҳар бир соатини оғир азоб-уқубатда яшаган ва шу билан бирга, инсониятнинг «илк бешлиги»дан жой олган Нуҳ алайҳиссаломни кўрамиз. Жуда ҳароратли кунларни бошидан ўтказаётганлар ўша тор жойдан чиқсалар, кенг водийларда аланга олдирилган ўрмоннинг ўртасига отилган, аммо ўзини ёлғиз ҳис қилмаган Иброҳим алайҳиссаломни топишади.

Куфр ва унга хизмат қилаётганлар бизга кўрсатишни режалаган нарсаларга асир бўлган кўзларимиз кўнглимизни оздириб юборди. Нафасимизни найчаларга улашга ҳаракат қилган новда эдик. Тарих майдонлари бизга шунча кенглиги билан даҳшатли мисолларни кўрсатмаяптими? Китобимиз уларни бизга кўзларимиз билан кўришдан кўра аниқ-равshan даражада тушунтириб бермаяптими?

Азиз ва жалил бўлган Раббимиз Аллоҳ қайси қулига мутлақ адолат ва раҳматидан ташқари муомала қилдики, бизга ҳам шундай йўл тутса? У Арҳамур роҳимин бўлган Раббимиз эмасми? Ундан паноҳ сўрагани ҳолда ўз ҳолича қолиб кетган бирон-бир киши борми? Ёки шу пайтгача Унинг имтиҳонларига рози бўлмай раҳматидан паноҳ сўрашни қабул қилдими? Илк бошда пайғамбарлари ўлароқ кимга ўзига хос муомала қилди, кимни

«муаммосиз, ташвишсиз» ҳаёт билан яхши мўмин сифатида қабул этди? Кимни?

Бундан буёғига ишнинг моҳиятини тушуниб олишга мажбурмиз: мулк Аллоҳницидир. Қонун Уницидир. Дунё ҳаётининг бошидан охиригача Унинг ҳукмидан ташқари ҳатто арзимас бир воқеа ҳам содир бўлмайди. Биз эса Унинг бандасимиз. Мулк Уники, замон Уники, ҳукм Уницидир. Кимларни вақтни ўз ўлчовларига кўра торайтиришини, яна кимларни эса Аллоҳнинг қудрати ва азамати ўзида тушуниб етишини кўришни хоҳлади. Қайси биримиз тор тарихда яшашимизни, қайси биримиз тарихнинг ўзун водийсига элтувчи йўлда юришимизни кўришни

истайди. Бу яширин ҳақиқат эмас. Ушбу буюк ҳақиқатни ҳар куни, ҳар бир воқелиқда кўриш мумкин. Бу замон Аллоҳнинг замони. Биз эса Аллоҳнинг бандаларимиз.

\*\*\*

“Ҳар он тавба қиласман...”

Устоз, глобаллашув даврида яшаётганимизни ҳисобга олиб, бир қанча ёшларимизнинг бундай ғафлат домида ўсаётган муҳитлари ҳақида гапирмоқчи, агар менинг ҳаққим бўлса, таъна қилмоқчи эдим. Барча ота-оналарга сизнинг суҳбатларингизни эшишиб, бир мулоҳаза юритиб кўришларини тавсия қиласдим. Мен ўзимнинг аҳволим ҳақида гапириб, шунга оид савол бермоқчи эдим. Аввало ажратган вақтингиз учун рози бўлинг.

Отам диндор бўлса-да, мен дин ҳақида кейинроқ маълумотга эга бўлдим. Калимаи шаҳодатнинг маъносини ва унинг қанчалик қадрли эканини, намоз ўқишни, фақат маълум бир кунларда эмас, ҳар куни мусулмонлардек ҳаёт кечиришни, олмонларга умуман ўхшамаслик кераклигини, биз яшаётган дунё ўткинчи ва охират, ҳисоб куни ҳақиқатдан ҳам борлигини, унга тайёргарлик кўришимиз лозимлигини, Қуръонни фақат жанозаларда эмас, ҳар куни ўқишимиз зарурлигини, ҳижоб фарз эканини ва шунга ўхаш масалаларни жуда кеч тушуниб етдим. Ўрандим ва намоз ўқишни ўргандим.

19 ёшимда «Субҳанака»ни қайтадан ёдлашни бошладим. Қуръон дарсларига бордим. Диний сұхбатларга қатнашдим. Германияда мени немис деб ўйлашарди. Аввалги ҳаётимда, афсуски, ҳеч қачон Исломга мувофиқ кийинмасдим, атрофимдагилар ва оиласынга бу ҳолатим жуда ёқарди...

Ҳаётим шу алфозда давом этарди. Қилаётган ишларим ўзимга яхши кўринарди ва уларни тўғри деб ҳисоблардим. Юз-кўзимдан бўёқни аямасдим. «Бу қиз ҳам артист бўлади», дейишарди. Бундай мақтолар сабабли хатоларимни ҳам назарга илмасдим. Вақтимни беҳуда сарфлардим. Бозорларда ўн соатлаб вақт ўтказган кунларим кўп бўлган. Мени ўша пайтда «жуда замонавий қиз» дейишарди. Дўстларим, қариндош-уруғлар мени ҳаддан ташқари мақташарди. «Сен стюардесса бўлишинг керак, бу ерда бекорга увол бўляяпсан» деган гапларни ҳам қилишган. Шубҳасиз, мен аслини ўрганмаганим,

билмаганим шаҳодат калимасининг аҳамиятини йўқотган эдим. 19 ёшимгача бўларим бўлганди. Ўйлаб кўрсам, ғафлат тўла тўйхоналарга бир безак сифатида борар эканман. Энди отам ҳатто исмини ҳам ўзгартирган ўша жоҳил ва дунёвий қизини кўп бора қидиради. Мен эса унинг ҳаққига дуо қиласман.

Устоз, қанақасига энди ўтмишдаги Исломдан узоқ ҳаётимни изоҳламай? Ўзини мусулмон ҳисоблаган оиласидан фарз ва суннатларга амал қилиш ҳаракатида бўлишим ҳаммани жуда ҳайрон қолдирди. Баъзилари билан орани эса очиқ қилдим. Аллоҳдан келадиган ҳамма нарсага розиман, алҳамдуиллаҳ.

Баъзида рўза тутганларга, байрамларда оиласи билан ийғилишиб бир-биридан ҳол-аҳвол сўрайдиганларга нисбатан ғайрилигим келарди. Кичкиналигимда ўзимча рўза тутишга уринардим. Аммо буни фарз эканини билганим учун эмас, ўша пайтдаги дўстимдан кўрганим учун қиласардим. Рўзани ихтиёрий деб ўйлардим. Ўлим ҳақида тасаввурим бўлмагани сабабли, гўёки «мусулмон бурчимни» адо этаётгандим. Ҳеч ким рўза тутмаса-да, мен тутаверардим, лекин йиллар ўтиб кетганига қарамай, 16 ёшимда ҳам бу ибодат ихтиёрий деган хаёлда бўлганман. Кичкиналигимда уйдагиларга норозилик сифатида «Мен намоз ўқийдиганлардан бўламан» деганим ҳеч эсимдан чиқмайди. Дадам ўшанда бақириб, мени йиғлатганди. Онам

ҳам динида яшай олмади. Раббим унга озгина эртароқ бўлса ҳам имкон берар деб дуоларимда сўраяпман.

Раббимга чексиз шүкрлар бўлсинки, мусулмон ҳолатимизда Аллоҳга қайтишимиз кераклигини тушуниб етдим.

Агар Роббим имкон берса, Исломга хизмат қилишни хоҳлайман. Дуоларингизга жуда муҳтожман. Мен ўзимни Ислом динини энди танлаган кишидек ҳис қиляпман. Алҳамдуиллаҳ, ҳаётим ўзгарди, ўзим ўзгардим. Мен ғафлатга яқинлашишдан қўрқаман. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Қалбларни ўзгариувчи Аллоҳим, менинг қалбимни дининг узра собит қил», деган дуолари менинг дуоимга айланган.

Устоз, шу пайтгача бой берганим бандалик бурчларимнинг ҳисобини қандай бераман? Мен унинг аҳамияти ва мақсадини тушиниб тушунмай, ҳаётимни ўзгаришишга ҳаракат қилдим.

Бугун кунда сизни мұнтазам күзатиб бораман. Ўзимни ўзгаришиш ҳаракатидаман... Тавба қилдим, Аллоҳнинг изни ила ҳар он тавба қиласман. Ва бугун сизга ўзини Раббига бағишенган ҳазрати Марям онамиздек бўлишга ҳаракат қилаётган бир қиз сифатида мактуб ёзяпман. Бундан буёғига Раббим учун, умматимиз шарафи учун болаларга дарс бера бошладим. Раббимга чексиз ҳамд ва шукр бўлсин. Раббим қодир қилса, бошқа мақсадларим ҳам бор.

Умматимиз фарзандларининг беҳуда ҳаёт кечиришларига, умрларини фойдасиз нарсаларга сарфлашларига, иншааллоҳ, йўл қўймасликлари учун

ҳаракат қиласман. Улар бизга Раббимизнинг омонатлари дидир.

Аллоҳ сиздан рози бўлсин.

Менинг диёнатли қизим, бутун оламни қамраган ва таъминлаган Аллоҳнинг раҳматига мазҳар бўлишингни тилаган ҳолда саломларимни йўллаб қоламан. Қайта-қайта саломларимни йўллайман.

Қизим, Аллоҳнинг изни ила кечаги кун ўтиб кетди. Абадий тугади. Ҳеч қўрқма. Аллоҳга нисбатан ишончинг чексиз бўлсин. Агар номақбул ишлардан қайтиб, самимий тавба қилган бўлсанг, Аллоҳим мағфиратли Зот, сени кечиради. Аллоҳим не-не кишиларни кечириб юборганини биласанми? Аллоҳ азза ва жалла қанчалар карамли ва раҳмли эканидан хабаринг йўқми? Нафақат сенга ўхшаб оқ-қоранинг фарқига бориб тавба қилганларни, ҳатто катта гуноҳларни қилганларни ҳам кечирган ва бундан кейин ҳам кечиради. Унинг мана шундай ваъдаси бор. У шундай марҳамати чексиз Зотdir. Кошки бутун инсоният Аллоҳ таолони шу ҳолида билса-ю, дунё жаннатга элтувчи энг яқин воситага айланса... Агар фикрларингни шу ўлчовга солмасанг, шайтон сени эски кунларига қайтариши мумкин. Жуда эҳтиёт бўл.

Қизим, сенга ёзиб олишинг ва амалиётда қўллашинг учун кичкина тавсияларни бериб ўтсам. Менинг ҳаққимга ҳам дуо қилиб қўй.

\* Ота-онанг билан ҳеч қачон тортишма. Уларни дин ва сендаги ўзгаришлар хусусида мухолиф деб ўйлама. Сизга

раҳмат назари билан қараган Парвардигор бир куни уларни ҳам раҳматига сазовор қилиши мумкинлигини асло ёдингдан чиқарма! Ўша кун келгунча зарур бўлса, қирқ йил кут, қирқ бор ўзингни чоҳ тубига от, лекин уларни кут. Сабр мана шудир. Мусулмонлик ҳам шудир.

\* Иккинчи ишинг, шайтоннинг сени тавба қилганинг учун афсус-надомат чектиришига ундаидиган ҳужумларига қарши тайёр тур. Хаёлий сармояларни кутма. Одамлар доим сен билан машғул бўлишади, деб ўйлама. Энг муҳими, ҳамма нарса доим яхши кетади, деб үмид қилиб қолма. Аксинча, катта бурилиш қилганинг учун имтиҳонинг ҳам шунга яраша оғир

бўлиши мумкинлигини ўйлагин. Ва бу синовларни жаннатга етишишдан олдин роҳат-фароғат бўлмаслигини идрок қилган ҳолда, сабр ва чидам билан ўз фойдангга фойдалан.

\* Исломга ва мусулмонликка юзланганингни ҳеч қачон унутма. Мусулмонлик билан мусулмонлар ичидаги Исломга хизмат қилиш воситаси бўлган турли груп ва фонdlар бир-биридан бошқа нарсалар. Сен уларни эмас, Исломни маҳкам ушла! Хайрли ишларда улар билан бирга бўл. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сенинг жону жаҳонингдир, қолганларни эса у зотнинг орқаларидан эргашувчilar сифатида қабул қил.

\* Мунозарали диний масалаларга муккангдан кетма. Баҳсталаб бўлмаган асл мавзулар ҳаётингнинг охиригача сенга етади.

\* Биринчи галдаги мақсадинг, ҳар қандай ҳолатда ҳам имонингни асраб қилиш бўлмоғи керак. Имонингга зарар етказиши мумкин бўлган фалсафалардан ўзингни сақла. Фалсафа илоннинг заҳарига ўхшайди, ундан дори ҳам тайёрланиши мумкин бўлса-да, асли заҳардир.

Иккинчи мақсадинг, Аллоҳ таоло ҳаром қилган нарсалардан сақланишдир. Ҳаром амаллар қилишдан ўзингни сақла.

Учинчи мақсадинг, Аллоҳ таоло сенга фарз қилган нарсаларни бажариш. Уларнинг тўлиқ адо эт. Агар иложи бўлмай қолса, қазо қил.

Тўртинчи мақсадинг, иложи борича нафл ибодатларни қилишга ҳам ҳаракат қил.

\* Бўйруқ ва тақиқларда ҳаддан ошмасликка ҳаракат қил. Ҳаддан ошиш бир кун келиб сени бир-бирига зид кўчага киритиб қўяди. Нимани ғулув кетиш ва нимани ўрта йўл эканини сўраб туришинг учун доим бир маслаҳатгўйинг бўлсин.

\* Аввалги қазо намоз ва рўзаларинг учун тақвим туз. Узрли кунларингдан ташқари қолган ҳамма кундаги намозларингни адо этишинг керак. Қолдирган кунларингни ҳисоблаб чиқ. Ўша кунларнинг йиғиндисидан қазо намоз ўқиш ва қазо рўзани учун тақвим ишлаб чиқ. Маълум бир режа асосида, шошилмай уларни биттамабитта битиргин. Агар бу ишга жиддий киришсанг, Аллоҳ сенга жуда кўплаб қулайликлар эшигини очиб қўйганини кўрасан. Режангни туз ва қолгани билан ишинг бўлмасин.

ж) Атрофингда фақат мўмин дўстлар бўлиши керак. Ўзинг учун танлаб, дўстона муҳит ярат.

з) Ўз устингда ишлашинг учун ўқишинг керак. Қанча ўқиётганинг ва қандай китобларинг борлиги ҳақида бир рўйхат ёзиб юборсанг, мен ҳам бу борада сенга ёрдам бераман.

Муборак қизим, сенинг ҳаққининг дуо қиляпман. Сендан дуо қилишингни сўрайман. Сендан хушхабарлар кутиб қоламан.

Аллоҳга омонат бўл.

### Яхлит ва ноқис

Саҳобаи киромлар ҳақида тўхталсак. Яхлитни ноқис деб қабул қилиш уни кўрмасликдир. Саҳоба деганда фақат қўлига қурол олиб куфрга қарши жанг қилган жасур одамнинг сиймосинигина тасаввур қилиш саҳобани том маънода билмасликдир. Жойнамози устида саждадан бош кўтартмаган мўминни саҳобанинг ягона кўриниши сифатида қабул қилиш ҳам нотўғри. Масjidга қамалиб олиб, бозор ва кўчадан узоқлашганни ҳам биз саҳоба дея олмаймиз. Бозорни ва кўчани бошқаларга қолдирган кишини ҳам саҳоба деёлмаймиз.

Бутун дунёни Аллоҳ таолонинг шариатига таслим этиш учун иймон келтирган кишилар саҳобалардир. Улар нафақат жасорати, балки обидлиги билан ҳам машҳур бўлганлар. Масjidга бориб у ерда ибодат қилишга қанчалик ҳарис бўлмасин, тирикчилик учун бозордан ҳам хабардор бўлиб турган.

Бутун умрини Аллоҳ таолонинг амрига бағишлаган саҳобалар ҳаётнинг ҳамма жабҳасида бор бўлишган. Бўлмагани ёки бўла олмаган соҳалар уларнинг камчилигидир. Масжид, уй, иш жойи, дам олиш маскани ҳаётдаги маълум бир нисбатда мўмин киши мўминлигини кўрсатадиган жойлардир. Она, ота, фарзанд, дўст-биродар, ишчи ёки иш берувчи, яъни барча унинг назарида мўмин ўлароқ яшаётгани шу дунёдаги бир имтиҳон нуқтасидир. Жиҳод майдонига чақирилганида иймони уни ўша ерга йўллайди. У ерда жиҳод билан мукаллаф бир мўмин сифатида кўриниш беради. Худди шу инсон уйда аёли билан бирга бўлганида Аллоҳнинг номидан аҳдлашган жуфтлик сифатида зиммаларидағи бу масъулият билан бирга баҳамжиҳат бўлишади. Кўз олдиларидағи фарзандларини Аллоҳнинг омонатини қўриқлаётган қўриқчидек ҳимоя қиласи.

У тижорат билан шуғулланиш асносида ризқининг ортида югурди, аммо ҳалол ейиш ва ҳалол яшашни ибодат деб билади. У масжидда руку ва сажда қилаётганда ҳам ибодатда. Хоҳ тафсир бўлсин, хоҳ география китоби – ҳар қандай илмни Аллоҳ таолони таниш йўлидаги восита деб қабул қиласи ва қўлидаги китобни шундай тушунчада ўқийди. Шу шаклда масжид ва китоб жавони ҳаётининг ажralмас қисми бўлиб, доим кўз олдида туради. У кўчада юрганида ҳам Аллоҳнинг бандаси ўлароқ юрганини асло унутмайди.

Илк Одамдан бошлаб ер юзидағи инсоният можаросини оятма-оят изоҳлаб берган Қуръон ҳаётимизни қамраб

олган даражаси ҳам мана шудир. Оятлари орасида тарих, келажак, жўғрофия, инсон, ҳайвонот, коинот, жин ва фаришталар билан боғлиқ мавзуларни жамлаган Қуръон бизнинг ҳам, келгуси авлоднинг ҳам ҳаётини ёритади. Унда ҳамма нарса жуда кенг доирада акс этади. Бундай Илоҳий Китобга имон келтиришнинг энг содда зарурати унга ўхшаган кенг доирада яшашда акс этади.

Мўмин кишилар то умрининг охиригача зиммасига юклаган мажбуриятдан малолланмай, уни адо этиб яшашга ҳаракат қилади. Улар саодатга эришиш йўлида сабр қилади, матонат кўрсатади. Саҳобалар ана шундай буюк инсонлар бўлишган. Уларни яхши кўриш, уларга ўхшашга интилиш шуни тақозо этади. Уларнинг мероси том маънода ана шу меросдир. Аллоҳ улардан рози бўлсин. Улар қўлларида қилич, тилларида тасбех, фикрларида тавҳид, хонадонларида ҳузур, масжидларида уҳувват ва бозорларида барокат билан яшашди. Динни бир бутун ҳолда қабул қилиб олишгани учун уларда Ислом дини бутун ҳолида намоён бўлди. Фаолиятларида камчиликлар учраган бўлса ҳам тушунча ва эътиқодларида камчиликка рози бўлишмади. Бу борада улар дунёни қўлларида тутиб тургандек эдилар.

Динимиз Исломни Аллоҳ таоло туширган даражада ва бутун қолган қисмларини ҳеч бўлмаганда саҳобалар савиясида яшашнинг иложи йўқ. Ўзимиз яшаётганимизни дин дейишни бошлаганимизда эса ҳаёtimиз остин-устун бўлиб кетади. Эҳтимол, бошимизга тушган мусибатларнинг бошланғич нуқтаси ҳам шу бўлгандир.

Ҳеч ким мўминликдан бошқа исмга рози бўлмайди, лекин том маънодаги дин кимларгадир оғир келгани, баъзиларга шартлар мос келмагани зарурати юзасидан масалани кейинга қолдиришлари мумкин. Эркак ва аёли билан бирга мўмин бўлишнинг энг табиий ечими сифатида динимизга тўлиғича эга чиқишга мажбурмиз. Бир бурчагидан ушлаб олганимиз ёки маълум бир қисмига эгалик қилган дин Аллоҳ тушириб, камолга етиштирган дин эмас.

Динимиз Ислом яхлитдир. Барча таркибий қисмнинг ҳар бири уники, лекин бу қисмлар асло дин эмас. Инсон ўлароқ бу тамойил бизга тадқиқ қилинганда, бундай натижа пайдо бўлади: мусулмонликнинг баъзи қисмлари билан том мусулмонликни даъво қилолмаймиз. Манбалари ва ҳукмлари билан яхлит ҳолида кўриш ва унга толиб бўлиш бизнинг мусулмонлигимиздир.

\*\*\*

### “Мен нима қилишим керак?”

Устоз, мен таҳсил олаётган мактаб она тили ва адабиётга ихтисослашган. Насиб этса, мактабни тугатиш арафасидаман. Аммо ишлаш масаласида бошим қотган. Турли жойлар билан танишиб чиқдим. Соғлиқни сақлаш соҳасини ҳисобга олмагандан умумий ҳолат аёл кишининг ишлаши учун мувофиқ эмас, деган қарорга келдим. Аммо ота-онам лицейларда ўқувчиларнинг ахлоқий ҳолати ёмон эканини, мени эса имон-эътиқодли ўқитувчи бўлиб, ўқувчиларга Аллоҳ таолони танитишим, уларни келажакда диёнатли инсон бўлиб етишида кўмаклашишим

зарурлигини ва бу борада адабиёт жуда қўл келишини таъкидлашади.

Мен нима қилишим керак? Ишламаслик ҳақида ўйлаб юрибман. “Ўз қобиғимизга ўралиб олиш пайтимикин?” деган хаёл ҳам ўтади. Мен каби фикрда юрганлар учун бирор маслаҳат бера оласизми?

**Мұхтарама синглим!**

Бу дунёда ҳеч бир мўмин учун ўз қобиғига ўралиб олиш даври бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Агар мободо шундай бўлганида ҳам Исроил ўғилларига бўларди. Биз энг хайрли васфларга эга умматмиз. Заҳмат умматимиз. Жиддижаҳднинг ҳар қандай кўриниши бизнинг феълатворимизга хос. Биз заҳмат уммати бўлганимиз учун оқибатидан Раббимизнинг розилигини үмид қилганимиз барча машаққатларга худди югургудек бўлиб борамиз.

Ҳозирги кунда «қобиғига ўралиб» ўзларини ибодатга берилган ва үзлатга чекинган деб ўйлаётганлар бу йўл хато эканини тушуниб етганида ғишт қолипдан кўчган бўлади. Асло бундай таҳликага ўралашиб қолма. Жуда эҳтиёт бўл! Сенинг касбинг – адабиётшунослик бу мамлакатда энг кўп камчилиги кўринадиган соҳалардан биридир. Қанийди ўз устингда ишлаб, одобли адабиётчи бўлсанг-да, мўмина аёл сифатида қизларимизга дарслар берсанг, бу жуда ажойиб иш бўларди! Буни сенга чин дилдан тавсия қиласман.

Лицейда адабиётдан дарс ўтишинг хусусида тўхталиб ўтсам. Балоғатга етган ёш йигитчалар билан бир синфда ёш

хоним сифатида ишқ-муҳаббат ҳақидаги шеърларни қандай таҳлил қиласан? Шу иш тўғри келадими? Динимиз ва ахлоқимиз буни қабул қила оладими? Адабиётнинг қадр-қиммати бор, лекин мўмина аёл сифатида сенинг қадр-қимматинг янада баландроқ. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

Албатта, яна бир йўли ҳам бор. Нега энди қизлар ўқийдиган лицейларда ўқитувчилик қилишинг мумкин эмас?

Ҳеч ташвишланма, жуда кўп муқобил чоралари бор.

Модомики, шу соҳа бўйича диплом эгаси бўлар экансан, ўқишингни эътиборсиз қолдирма. Шунингдек, шу нарсани унутма: ўз соҳангда оддий одам бўлиб қолма, одатиyllикдан чиқ ва бошқа бир инсонга айлан. Тўлибтошган адабиётчи бўл. Бунинг учун кейинчалик ҳам ўз устингда ишлашинг керак. Адабиёт ва Ислом сўзларини бир-биридан ажратмайдиган гўзал ўрнак ўлароқ қол. Бу борада мен сенга қўйидагиларни тавсия қиласман:

1. Ҳозирдан араб тилини яхшилаб ўрган. Адабий билимлар билан сенга катта ёрдами тегади. Бир вақтнинг ўзида иккита қобилият эгаси бўласан.
2. Битирув ишини ўқиш ва ривожланиш бошланғичига бағишила. Мен кўп ўқигин демайман. Зоро, ортиқча сўзнинг чегараси бор. Доимий васвасаларга ўралашиб қолма. Ўзингга ва динингга тегишлиси сенга етади.
3. Ёзиш қобилияtingни ривожлантири. Олди-қочдилардан холи, ҳақиқатни баён этувчи ёзувинг бўлсин.

4. Ўзингни ёлғизликка маҳкум қилма. Аксарият адабиётчиларнинг жуда тор доирадаги дўстлар билан чекланиб қолиши кузатилади. Умматинг даражасидаги кенглиқда яшашга эътибор бер. Киришимли ва дўстона муносабатли инсон бўл.

5. Бу ишлар сени турмуш ва адабиётдан иборат «икки жағ» ўртасида луқма тишлашга мажбур қилмасин. Вақт келиб, сенга муносиб бир жой чиқса, турмуш қуришни кечиктирма, лекин бу борада шошилма.

6. Мусулмонларга тегишли вақфларда ўз соҳанг билан боғлиқ хизматларни зиммангга ол. Бу билан сен касбингнинг закотини берган бўласан.

7. Янгиликлар қил ва мусулмонлар сени ўша янгилигинг билан эслашсин. Хоҳласанг сенга яхши бир мисол бераман: ёш қизлар учун адабиёт кутубхонаси ва адабиётни ривожлантириш лойиҳаси ташкил қил. Бу борадаги бўшлиқни тўлдириш сенга насиб этсин. Яхшилик билан ёдга олинасан. Албатта, бу бир мисол, буни қилишинг шарт демайман. Аммо бу ишни беш йил давом этиши мумкин бўлган ҳаракат асносида амалга оширсанг, жуда ажойиб бўларди.

8. Бу ишларни бажараётганда, ҳеч ким билан, айниқса, ота-онанг билан «сан-ман»га бормаслигинг керак. Адабиётшунос бўп туриб, ота-онангни эзсанг, бошқалар ҳақида нима дейиш мумкин?

Дуо қилишни үнутмагин. Ўзинг, ота-онанг, умматинг ва биз учун ҳам дуода бўл.

Аллоҳим сени арасин ва ёрдамчинг бўлсин. Омин.

Катта соябон ва кичик соябон

Роббимиз Аллоҳ оламларнинг Роббидир. Пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссалом оламларга раҳматдир. Китобимиз Қуръони Карим барча замонлар ва барча маконларнинг китобидир. Умматимиз то қиёматгача барча насларнинг умматидир. Шариатимиз ҳаётнинг бутунича қамраб олган шариатдир.

Фиқҳ китобларимиз сув мавзусидан бошланиб, маййитнинг меросини тақсимлашни тушунтирадиган мавзу билан якунланади. Динимиз инсон ҳаётининг ҳар бир жабҳасини қамраб олади. Инсонлар, жинлар ва бошқа маҳлукотлар билан яшашимиз учун яратилган бу коинотдаги барча эҳтиёжларимизга жавоб берадиган динимиз бор. Динимизнинг бу улкан қамровидан ғурурланамиз. Ислом мана шундай, үнинг буюклиги ва агадийлигининг зоҳирий таъминотларидан бири ҳам шудир.

Ушбу тузилиши билан Ислом бутун инсониятга юборилган таклифдир. У очган соябон остида бутун инсоният учун жой бор. Аллоҳнинг бандаси бўлишни қабул қилган ҳар бир киши учун очиқ-ойдин изҳор этадиган ҳақиқат бу. Соябон катта, ҳар кимнинг соябон остида ўзига тегишли жойи бор. Шу даража каттаки, ҳатто қўли юз кишининг қони билан булғанган кишига ҳам у ерда жой топилади. Абу Жаҳлдек бир кишининг ўғли Аллоҳ таолога қайтишни билганидан кейин унга ҳам бир жой топилди. Ким Аллоҳнинг мўмин бандаси бўлишни қабул қилолса, бу соябон остида үнинг

жойи бордир. Соябонимиз катта; бутун инсониятни сиғдирадиган ҳажмда катта.

Мусулмон кишининг тушунчаси ва ҳаёт тарзи ушбу соябоннинг кенглигига тўғри келганида, унда ўзига хос шахсият шаклланади ва бу шахсияти билан иймон биродарлигини мустаҳкамлайди. Аллоҳ рози бўладиган ҳаётга янада яқин туради. Агар мусулмон одам кенг қамровли бу соябонни ўзининг тасаввури билан торайтиrsa ва ҳаётга ўзида кичкинагина соябон билан қараса, у қамраб олган чегара диннинг ўлчовларига терс тушади. Дин кенгайтирган масалани у торайтиради, чақириғини узоқлаштиради, ёқтирган нарсасига қарши чиқади. Бу эса мусулмонлик талабларига зид бўлгани сабабли, Аллоҳ рози бўлмайдиган ҳаётни У Зот рози бўлади деган умид билан яшайди. Ҳатто яхши ниятда қилган амалнинг савобидан ҳам маҳрум бўлади.

Динимизнинг намозга берган шаклини бир пайтлар ўзгартириш талаби билан чиқилгани диндан адашиш экани қанчалар ҳақиқат бўлган бўлса, динимиз очган биродарлик соябони остида кичкинагина соябонлар билан диний ҳаёт кечиришга уриниш ҳам худди шундай ташқарига чиқиб қолишга олиб келади. Чунки намоз ва биродарлик битта китоб ва битта ҳадиснинг мавзусидир. Уни буюрувчилари битта. Турли этник шахсиятларимизни иймон биродарлиги «қозони»да эритиб юбормас эканмиз, Роббимиз рози бўладиган ҳаёт ҳақидаги даъвони исботлай олмаймиз.

Ирқимизни йўқ деб қабул қилмаймизу, лекин уни катта соябон остида сақлаб, иймон билан яшаймиз. Ҳатто Видолашув хутбасининг мавзуси бўлган «Арабнинг араб бўлмаганга, араб бўлмаганни арабга» нисбатан афзал эмас, деган тамойилнинг акс-садосини бериб заминимизда янграган аzon бизни намозга чорласа ҳам, аммо бандалик вазифамизни қулоғимизга сингдира олмайдиган даражада қолади. Аzon таъкидлаган асл ҳақиқат қулоғимизга, у ердан қалбимизга сингмаса, ҳақиқий Ислом бизнинг тушунчамиздаги Ислом сифатида қолиши мумкин.

Мусулмонликдан ташқари барча васфларимиз, Ислом соябони берган рух тарбиямиз ҳам ўша соябон остида қолиши керак. Қабул қилиш қийин бўлиб туюлса ҳам, бундан бошқа муқобили йўқ ҳақиқат ўлароқ у қаршимизда туради.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Мадинага келишлари асносида муҳожир ва ансор ўртасида таъсис этганлари «биродарлик келишуви» тарихига мурожаат этишимиз мумкин. Ушбу келишув ҳижрат билан бир хил пайтга, яъни биринчи йилга тўғри келади. Бундан ташқари, динимизнинг энг асосий ибодатлари – рўза, закот, ҳаж ва ҳижоб каби ўнлаб амрлари кейинги йилларда буюрилди. Мадинадаги шаклланишни маданият ёки Ислом тамаддуни шаклланиши дейдиган бўлсак, у ҳолда ўзаро биродарлик рўздан олдин келган деб бемалол айтишимиз мумкин. У

закотдан ҳам олдин келди. У ҳижобдан олдин келди. У ҳаждан олдин келди.

Аввал имон келтириш буюрилди. Имон келтирган мўминлар ўртасидаги биродарликни Пайғамбар алайҳиссалом кафолатладилар. Ўша биродарлик муносабатлари тилларда достон бўлди. Мўминлар молмулк ва уйларининг эшигини биродарларига очишиди. Мадинада кўзда ёш билан кўриш мумкин бўлган ҳолат юзага келди. Маданият аввал қалбларда тикланди. У қалблардан эса Ясриб нурланди ва у Мадинага айланди.

Бу ердаги қоида жуда аниқ:

Намозга буюрган Зот ўзаро биродарликни ҳам буюрган. Биродарликни жуда кўп амрларидан аввал жойлаштирган. Биродарликни мустаҳкамлаганларга эса энди маданиятга асос солинг, дейилган. Соябон мана шу кенглиқдадир. Биз буни Арафотда кўришимиз мумкин. Байтуллоҳ атрофидаги тавофда кўришимиз мумкин. Жума намози пайтида кўришимиз мумкин. Аллоҳга иймон қаерда бўлса, ўша ерда кўриш мумкин.

Бугунги кунда соябонимиз қамраб олган чегарани яхши ниятдаги хатти-ҳаракатларимиз билан торайтирас эканмиз, аслида ўзимиз босаётган ерларимизни бой бергаётганимизни тушуниб етишга мажбурмиз. Кичкина соябонни етарли деб ҳисоблаганлар бир киши учун мўлжалланган соябон остига икки киши кирганида улардан бири соябон остига сиғмай ёмғирда ивиганидек, бу катта соябон остига кирилмаса, нафақат ёмғир остида шалоббо бўлинади, балки дунё қутқуси худдики кислота

каби күйдиради, эритади. Мана шу сабаб ҳам ҳаммамиз биргаликда ўша катта соябон остига киришга мажбурмиз...

Дин йўлида жидду жаҳд қиладиган фарзанд тарбиялашни истайман...

Ҳурматли устоз! Аллоҳ сиздан ва сизни тарбия қилиб, камолга етказганлардан рози бўлсин. Уларга марҳамати ила муомала қилсин.

Устоз, биламизки, тарбия она қорнидаёқ бошланади. Аммо мен ҳомиладорлик давримда боламга нималар қилишим мумкинлигини сўрамоқчи эдим. Мен излаган диний китобларда ҳар доим туғилиш ва туғилишдан кейинги жараёнлар ҳақида гап кетади. Лекин мен, насиб этса, ушбу босқични диққат билан ва тартибли равишда ўтказмоқчиман. Фарзандли бўлишимизни билганимиздан бошлаб, то унинг туғилишигача бўлган даврда уни солиҳ қилиб тарбиялаш борасида бизга нимани тавсия этасиз?

Ҳар намозимда фарзандларим ҳаққига дуолар қиласман. Фарзандларимнинг ҳаёт йўллари гўзал бўлиши илинжида жаннатга элтувчи амаллар қилишга жидду жаҳд қиласман. Иложи борича қўлимдан келганининг энг яхшини бажаришни хоҳлайман. Мен ҳали ҳомиладор эмасман, лекин бир кун содир бўлса, мен дин йўлида жидду жаҳд қиладиган фарзанд тарбиялашни истайман.

Дуоларингизга муҳтоjmиз. Ҳар доим сизнинг ҳаққингизга дуо қиласман. Роббим сиздан рози бўлсин.

\* \* \*

Бу уммат қизига «Раббим мени она бўлишимни ирода этди» десин

Қадрли синглим, Мўмин имонини нафаслари билан баҳам қўрадиган кишидир. Ҳар бир нафасимиз имонимиз акс этган бир лаҳзадир. Сиз ҳомиладор бўлганингиздан кейин нима қилиш кераклиги ҳақида гапирайпсиз. Мен эса умуман бошқа бир мавзуга эътиборингизни қаратмоқчи эдим: ҳомиладорликдан ҳам олдин фарзанд сўрашга оид таълимни олишга нима дейсиз? Ҳатто фарзандни хоҳлашимиз ҳам бу буюк коинот тартибиға мувофиқ бўлиши керак эмасми?

Ҳомиладор аёл қўйидагиларга эътибор берсин:

а) Ҳомиладорликдан олдин, хоссатан, ҳомиладор бўлиш асносидағи муносабатда эркак ва аёл хотиржам, бир-бирларига нисбатан хоҳиш-истакли ва завқли бўлишлари талаб этилади. Ҳусусан, аёлнинг хоҳишсиз муносабати орқасидан туғилган бола билан аёлнинг хоҳлаб киришган ва илиқ муносабатидан кейинги бола ўртасида фарқ сезилиши мүмкин.

Бундай муносабатлар пайтида, эр ва хотиннинг ҳар иккиси ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам тавсия этган дуони албатта ўқишлиари керак. Ибн Аббос розияллоҳу анҳұмодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Агар бирларингиз аёли билан қўшилмоқчи бўлганда: «Бисмиллаҳи, аллоҳумма жаннибнаш-шайтона ва жаннибиш-шайтона ма розақтана» (яъни, Бисмиллоҳ, эй Аллоҳим! Биздан ва бизга ризқ қилиб берадиганинг

(фарзанд)дан шайтонни йироқ қилгин) деса, шунда ўрталарида фарзанд тақдир қилинган бўлса, шайтон унга асло зарар етказолмайди» (Имом Бухорий ривояти).

б) Олдинроқ ва ўша кундан бошлаб еб-ичишига жуда эътиборли бўлсин. Соғлиқ жиҳатидан қайтарилган ва диний тарафдан шубҳали нарсаларни истеъмол қилмасин. Бир луқма бўлса ҳам бу тамойилга амал қилсин.

в) Ҳомиладорлик ҳақидаги маълумотлар билан бир қаторда тиббий заруратни бажарсин. Соғлиқдаги барча имконлар Аллоҳ таолонинг неъматлариdir. Неъматларнинг қадрини билиш лозим.

г) Ҳомиладорликни ўз-ўзини намойиш қилиш деб билмасин. Шунингдек, худди яширин ишдек уни сир сақламасин. Аёллар орасида мұхабbat мавзусидаги гап-сўзларнинг олдини олсин. Ахлоқ билан ошкоралик ўртасидаги мўминлик чегарасини сақлаб турсин.

д) Намозларида ва маҳсус вақтларда кўп-кўп дуолар қилсин. Ўзи ва туғилажак фарзанди ҳаққига дуода бўлсин. Бола туғилишидан олдин, уни самоларга юксалтирадиган дуолари бўлиши керак. Ҳали туғилмаган фарзанди учун кийимчалар тикадиган оналарнинг олдида бу умматнинг оналари дунёга келмаган болалари ҳаққига дуо қилишни бошлашлари керак эмасми? Солиҳ кишиларнинг хайрли дуоларини олсин. Шуни билиши керакки, туғиш ва ундан кейинги ҳаёт фақат сабр-тоқат билан ошиб ўтиш мүмкин бўлган тоғдир. Раббисидан кўп, жуда кўп сабр-тоқат сўрасин! Ота-онаси бўлса, давомли равишда кўпроқ улардан дуо сўрасин.

е) Ўзи ва турмуш ўртоғининг рұхий ҳолати жуда мұхим әканини ёдда сақласын. Фарзанди туғилгунча ўзи ҳам, турмуш ўртоғи ҳам шайтон уларнинг орасига фитна солмаслиги учун бир қулоғи ва бир күзини юмишсін.

ё) Бу даврда Ҳаннонинг «Роббим! Албатта, мен қорнимдагини Ўзингга холис назр қилдім. Бас, мендан қабул эт. Албатта, Сен әшитувчи, билүвчи Зотсан», деганини эсласын. Худди шундай қилиш қийин бўлгани учун, ҳеч бўлмаганда у аёлни ўзига бир тимсол деб билсин. Ундан ўrnак олсин, туғиладиган гўдагини Аллоҳ учун парваришлишни сўрасын.

ж) Ҳомиладорлигини билган пайтдан бошлаб фақат бегона эркаклардан ўзини олиб қочиши етмайди. Фосиқа аёллардан ҳам узоқроқ турсин. Мўмина сингилларини ўзига кифоя деб билсин.

з) Ҳомиладорлик пайтида боласи уни тинглаётганини ҳис қилиб, кўп-кўп Қуръон ўқисын. Зикр қилсин. Қўлидан тасбеҳини ҳеч қачон туширмасин.

«Мен бола туғаяпман» дейишдан уялсин. «Роббим мени она бўлишимни ирода этди» десин. Яна шундай десин: «У учун фарзадимни дунёга келтираман. Унинг Набийсига муносиб умматни тарбиялайман!»

Ва энг буюк ҳақиқатни билиб, бутун оламга ҳайқиради. Овози Аршга юксалгунича, самодаги барча фаришталар эшитгунича ҳайқиради:

«Мен она бўламан. Ажримни Роббим беради. Она бўлганим учун менга жаннатни беради.

Мен ҳомиладорман. Учинчи ойдаман. Жаннатнинг хушхабари келишига олти ой қолди. Мен саккизинчи ойдаман. Жаннатга бир ой қолди. Уч кун қолди. Уч кундан кейин жаннатга бир қадам қолади.

Бугун оғриқларим кўпайди, бугун жаннатнинг ҳидини сезяпман. Ва мен она бўлдим: Аллоҳнинг изни ила умматим яна бир мўмин ҳисобига кўпайди. Аллоҳнинг изни ила мен ҳам жаннатга бир қадам ташладим».

\*\*\*

**Эй умматнинг қизи!**

Сен ҳақингда Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай дедилар:

«Икки қизни тарбиялаган киши қиёмат куни мен билан (бармоқларини бирлаштирдилар) мана бундай туради»(Имом Муслим ривояти).

«Қизларни тарбиялаш билан имтиҳон қилинган кишига ўша қизлари жаҳаннамдан парда бўлади» (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоятлари).

«Кимнинг учта қизи бўлса ва уларни парваришлаб, уларга раҳм-шафқат кўрсатса, албатта унга жаннат вожиб бўлади» дедилар. Саҳобалар сўрашди: «Ё Расулаллоҳ, агар иккита қизи бўлса-чи?». «Иккита қизи бўлса ҳам худди шундай», дедилар. Агар ўша пайтда кимдир туриб, «Битта

қизи бўлса ҳамми?» деб сўраганида «Ҳа», деб жавоб берардилар (Имом Аҳмад ривояти).

«Менинг умматимдан учта қиз фарзандни ёки учта сингилни тарбиялаган ва уларга ғамхўрлик қилган кишига жаннат вожибdir»(«Шуаб-ул иман», 10511).

«Кимнинг учта қизи ёки учта синглиси ёки иккита қизи ёки иккита синглиси бўлса ва уларга чиройли тарбия берса, улар ҳаққида Аллоҳдан қўрқиб иш тутса, унга жаннат бордир» (Имом Термизий ривояти).

«Кимнинг учта қизи бўлса, уларга сабр билан муюмала қилса, еб-ичиши, кийинишида камчиликка йўл қўймаса, қиёмат куни улар уни оловдан ҳимоя қилишади» (Ибн Можа ва Абу Довуд ривоятлари).

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу ҳадисларидан олинадиган фойдаларни санаб ўтсак:

1. Қиз фарзандни ўстириш қиёмат куни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга бўлишdir.
2. Қиз фарзандалар биз учун имтиҳонdir. Аслида ҳар бир фарзанд бир синов, лекин қиз бола янаем ҳассос имтиҳон. Ушбу имтиҳондан муваффақиятли ўтиш оловдан ҳимояланиш маъносини келяпти. Қиз боланинг имтиҳон экани, уни ўғил болага нисбатан ёмон бўлганидан эмас. Хоҳ қиз бўлсин, хоҳ ўғил – барчаси Аллоҳнинг қулидир. Эркаклик қулликдан ташқари устунлик эмас. Қиз боланинг синов экани, ундаги фарқлар ўғил болага нисбатан ажратиб туриш билан боғлиқ хусусиятни кўрсатувчи жиҳатидир. Қиз фарзандга эга бўлиш билан жаннатга эга

чиқилинса, уни йўқотиш билан жаннатни ҳам йўқотилади. Бу қизнинг отаси ёки онаси учун жуда эҳтиёт бўлинадиган огоҳлантириш бўлиш билан бирга айнан қизларнинг ўзларига ҳам ақл-ҳушларини йиғиб олишлари учун бир эслатма.

3. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассаллам аниқ қилиб учта қиз, дедилар. Учта қизни тарбиялашни уммат олдига мақсад қилиб белгилаб бердилар. Намоз ўқиганга, жиҳод қилганларга ваъда этилган жаннат учта қиз фарзандни ҳадис баёнида келганидек тарбиялаганларнинг тўғридан-тўғри жаннатга кириши ваъда қилинди. Бу ҳақида жуда аниқ айтиб ўтилган.

4. Сўралган нарса шунчаки учта қизни туғиши ва тарбиялаш эмас. Балки умматга ўзини бахшида этган ва уммат талабларига жавоб берадиган қиз бўлишидир. Бўнинг учун раҳм-шафқат, сабр-тоқат ва Аллоҳдан қўрқиш биринчи ўринда туриши лозим.

5. Уч қиз фарзанд билан бирга учта сингил ҳақида ҳам айтилган. Бу бир томондан, учта опа-сингилга оталик қилиш сабабидан олинадиган савобни билдиrsa-да, иккинчи томондан, қизларни тарбиялаётган бир отадан кўра кўпроқ умматга қиз тарбиялашнинг мухимлиги билдирилмоқда. Бу эса уммат олдига қиз боланинг тарбиясини биринчи галдаги вазифа сифатида қўяди. Чунки қиз бола бир оиланинг аъзоси бўлишидан олдин, умматнинг азиз қадриятларидан бири ҳисобланади.

6. Суюкли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассалламнинг тилларидан «уч қиз фарзанд ёки учта

сингил» сўзларини билан бирга «иккита қиз фарзанд ёки иккита сингил» деган ифодаларни ҳам эшитдик. Бу хушхабар эса қиз фарзанднинг василаси билан ҳосил бўладиган раҳматнинг нечоғлик кенг эканидан дарак беради. Ҳатто саҳобалар кимдир чиқиб: «Шу савоб битта қизни тарбиялаганга ҳам ваъда қилинганми?» деб сўрагудек бўлса, унга ҳам «Ҳа», деб жавоб берадилар деган гумонга боришган. Мана шу нұқта - учта, иккита ёки битта қиз бу умматнинг қадриятлари билан тарбияланганда қанчалар улуғ раҳматга сабаб бўлишини кўрсатади.

7. Нима учун бу ҳадисларда дўзахдан сақланиш ва жаннат ваъдаси берилаяпти деб сўрамаймиз? Мўмин учун дўзахдан сақланиш ва жаннатда бўлишдан кўра олийроқ мақсад бўлиши мумкинмики, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шуни ваъда қилсалар. Бундан ҳам муҳимроқ мақсадим бор деб ўйлаган киши янгиш йўлда кетаётган экан. Бу тушунча у учун бошқа бир балодир.

8. Яна бир ингичка чизиқ тортиб, ҳадисларни тушунишга ҳаракат қилиб кўрамиз: бу сўзларнинг эгаси Пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васаллам етти фарзанднинг отаси бўлганлари ҳолда насллари қизларидан давом этган. Қиз фарзанди бор оталар учун бу бошларида раҳмат булутлари каби айланиб юрган хушхабардир. Қизлар учун эса ортиқча гап-сўзга ҳожат йўқ.

9. Маълумки, ушбу ҳадислардаги «учта, иккита қизи...» деган иборалар ўғил болалар учун айтилмаган. Албатта, бу билан ўғил болаларнинг қадр-қиммати пасаймайди. Ҳеч

ким қиз фарзанди борлиги учун аниқ жаннатий бўлмайди. Фойда топиш сабаби ва эҳсон деб қабул қилиш жиҳатидан қиз фарзанд зикр этилган, ўғил фарзандлар бу услубда ҳадисларда тилга олинмаган.

10. Агар ушбу ҳадислар ёки ҳадис ўлароқ бизга етиб келган Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзлари ҳаёт тарзимизни шакллантирмаётган ва дунёқарашимизни ўзгартирмаётган, яъни бу ҳадислардан таъсирланиб: «Эҳ, менинг ҳам уч қизим бўлганида эди!» демаётган бўлсак, демак, бизда бошқа муаммо бор экан. Катта эҳтимол билан иймонга алоқадор бундай муаммо вақтида ҳал қилиниши ёки ечим топилиши керак. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Уч қиз фарзанди ёки учта синглиси...» деб таърифлаганлари жаннат башоратини уммат уни-буни баҳона қилиб тушунмаса ёки бошқача тарзда талқин қилса, бу биз учун содда қилиб айтганда, унинг қийматини билмаслик бўлади. Аллоҳ сақласин.

Бу ажойиб хушхабарни берувчи ҳадисларни биринчи марта эшитган мўмин, албатта, қиз фарзандни тарбиялаш қанчалар улуғ савоб эканини тушуниб етади. Унинг шундай талқин қилишга ҳаққи ҳам бор. Ҳадислар ҳам шу савобга эришишга чақирмоқда. Дўзахдан сақланиш ва жаннатга эришиш ҳақидаги хулосани олиш мумкин бўлган ҳадислардаги бу хушхабар, албатта, аввало, ота ва онани руҳлантиради. Фақат биз савобга эришган она ва отани тушунамизу, лекин ушбу ҳадисларнинг бош мавзуси бўлган қиз фарзанд ёки сингилнинг қийматини ва улар ана

ўша эришилажак савобнинг манбай эканини қабул қилмаймиз. Ота: «Мен қизим билан савобга эришаман ва дўзахдан қутуламан», деганимда, нега қиз: «Мен жаннатга сабабчиман, дўзахдан сақлаб қоламан», деб айта олмайди? Нима уни парваришлаган мукофотга сазовор бўлади-да, у заарда қолиб кетаверадими? Қиз фарзандлар, ёш қизлар бу умматнинг қизи бўлганлари ҳолда ота-оналаридан аввал бу үлуғ қадр-қийматнинг асли уларнинг ўзи эканини билишлари керак эмасми?

Жоҳилият даврида туғилган қизларнинг тириклайнин кўмилиши мумкин бўлган мухитда қиз наслини юксакларга кўтарган суюкли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдир. Биз шундай бир даврга келдикки, ҳатто қизларга онасининг қорнидалигида берилган ҳақ-хуқук ҳам кўпдек туюладиган бўлиб қолди. Хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин, инсон зотининг кўпайишига тоқат қилолмайдиган бир даврга келиб қолдик. Бу умматнинг қизи яна бир бор қадр топди. Бир пайтлар жаннатнинг калити эди. Энди яна жаннат калити бўлади. Отасини, онасини бу шарафга эриштиради. Умматини эриштиради. Энг мухими, Аллоҳнинг изни ила ўзи ҳам сазовор бўлади.

Эримнинг муносабатлари ўзгарган...

Ҳурматли устоз! Мени афв этасиз, деган умидда бир савол сўрамоқчи эдим. Бу сатрларни минг андиша билан ёзяпман.

Уч фарзандим бор. Уларнинг ҳаммасини икки йил давомида эмизганман. Шунинг учун бўлса керак, кўкракларим олдинги ҳолатини йўқотди. Бу нарсаларнинг

менга үнчалик аҳамияти йўқ, лекин эрим учун у муаммога айланган. Доимий равишда камситишлари мени кўп хафа қиласди. Ўзимга бўлган ишончим ҳам қолмади. Эримнинг муносабатлари ўзгарган, ҳатто бошқа аёлга үйланишини ҳам очиқ айтади...

Роббим менга бир турмуш ўртоқ берди ва мен уни жуда хурсанд қилишни истайман. Турли хил воситалардан фойдаланиб кўрдим. Дори-дармон, крем... Бирортаси кутилган натижани бермади.

Кўкракларимни аввалги ҳолатига қайтариш учун пластик амалиёт қилдиришим мумкинми? Бу саволни ўқиб: «Уммат ёнаётганида, қон йиғлаётганда, сизнинг топган муаммоингизга қаранг», дейишингиз мумкин. Лекин дунё ҳаётида эримни хурсанд қилолмасам, кўнглини тўлдира олмасам, ўзимни айбдор деб ҳисоблайман.

Агар амалиёт жоиз бўлмаса, менга насиҳат қилинг. Қандай чоралар уни менга янада яқинлаштиради? Унга нима дейин? Уни қандай қилиб яна ўзимга қайтарсам бўлади?

Саломат бўлинг.

Сиз шу умматнинг бир вакилисиз! Синглим, Аллоҳ таоло сизларга ва зурриётингизга офият берсин.

Уммат қай аҳволда бўлишидан қатъи назар, шу умматнинг бир вакили сифатида бу нарсаларни сўрашдан уялмаслигингиз керак. Зотан, умматимизнинг ҳолатларидан бири ҳам эр ва хотин ўртасидаги бу муаммолардир. Бу борада Роббим сизнинг ёрдамчингиз бўлсин.

Бундай мавзуга ташқи томондан аралашиш яхши натижа бермаса-да, сизга қуийдагиларни айтишимиз мүмкин:

Турмуш ўртоғингиз нимагадир мүккасидан кетган бўлиши мүмкин. Бу бир эҳтимол. Совуқ мӯомаласининг сабаби бутунлай сиз айтаётган вазият билан боғлиқ эмас. Эҳтимол, бу сабр косасини тоширган бир томчи бўлиши ҳам мүмкин. Турмуш ўртоғингизнинг ҳақ ёки ноҳақли жиҳатидан айтмаяпман бу гапларни. Мавзуни янаем кенгроқ тушунишингизга ёрдам берсин деган мақсадда гапирайпман.

Синглим, аввало сиз ўзингизни бир ислоҳ қилинг. Яъни,

-ишлатадиган атир-упангиз:

-кийган кийимингизнинг ранги, шакли;

-муҳаббатлашиш асносидаги жозибали сўзларингиз;

-унинг оила аъзоларининг сизга муносабати, сизнинг улар ҳақидаги фикрларингиз;

-эҳтимол фарзандларингизнинг отасига нисбатан нотўғри қарашлари

Мана шулар ҳақида бир зум ўйланг. Яна, сиз

-харажатларингизни ошириб юбораётган бўлишингиз мүмкин;

-ётоққа кирганда ундан аввал ухлаб қолаётгандирсиз;

-хоҳиш-истаги йўқ пайтда унга яқинлашишни истаётгандирсиз.

Шундай нозик ҳолатларга ҳам диққатли бўлинг.

Кўпинча мана шу сабаблар мұносабатларни бузадиган илк дарзлар ҳисобланади.

Шуни аниқ айтишим керакки, буларнинг бари топилган тақдирда ҳам, ҳеч қандай чора, қайтариш учун ечим йўқ дегани эмас. Агар тўғри йўл тутилса, Аллоҳнинг изни ила, қайтариш мумкин.

Мўмина опа-сингилларимиз бундай муаммога дуч келишганда, кўпинча энг охиргида айтиладиган гапларни бошида айтиб қўйишади, энг охирда қилиниши керак бўлган нарсаларни бошидаёқ қилишади. Натижада муаммо боши берк кўчага кириб қолади. Ўрнак бўлиши, масала янада яхшироқ тушунилиши учун бир ўхшатиш қилмоқчиман. Баъзан ёшларнинг юзида майда ҳуснбузарлар пайдо бўлади. Ёшлар дарҳол ойнанинг олдига ўтириб, уни сиқиб ташлашга уринишади. Игнанинг учидек жой ярага айланади. Камига қўлларидағи микробларни бу ярага туширишади. Юзларининг чиройини асрایман деб ҳаммаёқларини яра-чақа қоплайди. Бу ҳолатни опа-сингилларимизнинг юқоридаги мавзуга нисбатан акс таъсирларига ўхшатаман.

Сизнинг ҳолатингиз умуман бошқача бўлиши мумкин. Сиз бу борада ҳақ бўлишингиз ҳам мумкин. Бунга баҳо бериш менинг бурчим эмас, лекин умумий вазиятни ҳисобга олиб, сизга ёрдам бермоқчиман.

Агар хоҳласангиз, келинг, бир ечим топишга ҳаракат қилиб қўрамиз:

1) Сиз ҳам, турмуш ўртоғингиз ҳам инсонсиз, бандасиз. Хатога йўл қўйишингиз мумкин. Бу вазиятга сиз ёки турмуш ўртоғингиз йўл қўйган хато мантиғи билан баҳо бериб кўринг. Агар сиз ҳақ бўлсангиз, турмуш ўртоғингиз хато қиляпти деб қабул қилинг. Бу мантиқ «алдади, нонкўрлик қилди, фойдаланиб бўлиб, четга улоқтирди...» каби мулоҳазаларга ечим топишда янада оқилона ёндошиш бўлар эди. Аввало, бундай йўл тутишда кимнидир айлаш ва узоқлаштириш эмас, унга ечим излаш бор. Холис нуқтаи назар билан шуни айтишим мумкини, биз яшаётган бу шаҳарларда эркакларнинг аҳволи жуда катта хавф остида. Дарҳақиқат, инсоният пайдо бўлганидан то шу кунгача аёл зоти бунчалик даражада очилиб кетмаган. Гарчи эркаклар ҳам қолишмаса-да, вазият қўрқинчлидир.

2) Турмуш ўртоғингизни тахминан бир ойча кузатинг. Ўзига хос кўнгилхушликлари, янги пайдо бўлган қизиқишлиари, қулоғига хуш ёқадиган сўзларидан тортиб, сизда йўқ деб ўйлаган ёки ҳақиқатда сиздан тополмаган жиҳатларни аниқланг. Худди айғоқчидек иш тутинг. Албатта, бу вақт давомида қўлингизда диктафон билан юрмайсиз. Бу кузатувларингизни табиий шароитда амалга оширинг. Охир-оқибат қандайдир камчилик ёки қинғир хатти-ҳаракатларни аниқлаштирсангиз, ўзингизни шифокордек тутишингиз лозим. «Дарди»га шифо топиб, турмуш ўртоғингизни яна қайтариб оласиз.

3) Масаланинг шу ерига келганда иккингизнинг ўртангизда бир маслаҳатчи бўлиши фойдадан холи эмас. Унинг олдига бирга бориб дардингизни айтишингиз ечимни янада

осонлаштиради. Эрингиз сизга очмаган сирларини унга очиши мумкин. Аками, домлами, руҳшуносми, кимлигидан қатъи назар битта маслаҳатчингиз бўлсин.

4) турмуш ўртоғингизнинг қўзи бошқа аёл шамғалат қилаётган бўлиши ҳам мумкин. Бу энг оғир эҳтимол. Даволаш жараёни ҳам узоққа чўзилиши мумкин. Бу муаммони фақат мен айтиб ўтган маслаҳатчи ёрдамида ҳал қила оласиз.

5) Яна ҳузур-ҳаловатли оилани истасангиз, турмуш ўртоғингизни бошқа аёл билан бирга экани билганингизда, у билан бўлган мұносабатларингизни асло тўхтатманг. Уни маломат ва баддуо қилманг. Эски айбларини юзига солманг. Оила катталарини ўртага аралаштирманг. Дўстларига ҳолатни очиб ташламанг. Агар билсангиз, буларнинг бари оловга мой сепиш билан teng. Ҳузур-ҳаловат илинжида бўлсангиз, турмуш ўртоғингиз хасталикка чалингану, сиз уни даволашга ҳаракат қилаётгандек сабр билан иш олиб боринг. Аллоҳнинг изни билан, сабрингиз хосиласи ўлароқ эрингиз охир-оқибат ақли-хушини йиғиб олиб, сизга боғланади.

6) Самимий дуолар қилишга ҳеч қачон бепарво бўлманг. Ҳар намозингиздан кейин дуо қилинг. Қалб ва ҳистийғулар Аллоҳнинг иродаси боғлиқ эканини унутмаслигингиз керак. Дуо жуда кучли қуролдир. Баддуо фақат йиқитади, дуо эса тиклайди ва юксалтиради.

7) Бу даврда фарзандларингизни бағрингизга босиши ғиздан чиқарманг. Оталарига қарши уларни қайрасангиз, хатога йўл қўясиз. Шундоқ ҳам сиз уларга она

эканингизни кўрсатаяпсиз. Уларга сиз оғриқ қолдирувчи малҳамдек бўлинг.

8) Масалан, ёшингиз қирқда ва кўкракларингиз учта туққан аёлнинг табиий кўринишида бўлса, кўкракларингизни жарроҳлик йўли билан ўзгартиришингиз жоиз эмас. Гуноҳкор бўласиз. Гуноҳга қўл уришдан ташқари турмуш ўртоғингиз муносабатида кўп нарса ўзгармаслиги мумкин. Лекин бундан бошқа сабабларда, масалан, қирқ ёшдалигингида қарамай олтмиш ёшга ўхшаб кўринсангиз ёки яна туғишига тўғри келиб қолганида эмизишнинг имкони йўқ даражада заифлашиб, шифокор томонидан тайинлаганидагина мурожаат этишингиз мумкин бўлади.

Синглим, бундай ҳолатда асло динингиз кўрсатган чегарадан чиқманг. Аёлларнинг олдидаги энг оғир масалалардан бири мана шу имтиҳондир ва аёллар бу имтиҳондан осон ўта олишмайди. Қанчалик қийин бўлмасин – бу имтиҳон. Жуда сабрли бўлинг. Аллоҳнинг эркакларга берган иккинчи хотинга ўйланиш рухсатини борлинигини эсдан чиқармаган ҳолда ўзингизни таҳликага отманг. Бундай масалада эътиroz билдиришингиз на эрингизни ундан воз кечиртиради, на сизга тинчлик беради. Фақатгина шайтонни хурсанд қиласиз. Шунинг сабабидан шайтон сизни динингиздан, динингизнинг аҳкомларидан совутмасин. Сизни бу мавзуда гиж-гижлаганларни йўқ деб ҳисобланг. Турмуш ўртоғингиз ўзининг имтиҳонига жавобгар, сиз ўзингизникига.

**Мўмин охират инсони.**

**Охират инсони нима дегани?**

Дунёси қўлидан кетса ёниб-куймайди. Балони сўраманг, лекин бало келганида ўзини йўқотмайдиган мўмин бўлинг. Агар Раббингиз шунча тадбирингизга қарамай сизга синовларини юбораверса, бундан катта муаммо ясаманг. Ўзингизни имтиҳонлар бўлмайдиган, тана

### Бу қизлар диннинг ярми

Мусулмон аҳолининг ярмини аёллар ташкил этади. Ёшлар ва болаларнинг ҳам ярми қизлардан иборат экани маълум. Ҳаётнинг ярми барча жабҳаларда ўғил билан қиз болалар ўртасида тақсимланиши исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатдир. Кўча-кўйда юрган одамлардан тортиб, катта-катта оломонгача камида ярми аёлларнинг ҳиссасига тўғри келади.

«Мустадрок»нинг 2681, «Шуабул имон»нинг 5101-ҳадисларида Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам диннинг ярми ҳақида сўз юритганлар. Бу умматнинг қизи ўлароқ яратилишни, ичини тўлдириш мумкин бўлганда нечоғлик катта ажр манбаи эканини ўйлаб кўришимиз учун имкон берадиган ушбу ҳадисни мўмина қизлар шахсларини тасдиқловчи ҳужжатдек ёдлаб олишлари лозим. Янгитдан ҳаётга мўминлардек қарашимизнинг белгиси сифатида ушбу ҳадис кўриб чиқилиши керак. Натижада гўзалликка янгича маъно бера оламиз. Оила қуриш учун талаб этилган шартларни қайтадан тартиблаб чиқишимиз мумкин бўлади. Ўғил ва қизларимизнинг ҳаётдан кутганлари янгитдан намоён бўлиши мумкин. Мўмина қизлар Аллоҳдан қўрқиб, Аллоҳ уларни ўраб қўйган бу асл маконга жойлашиш ҳаракатига

тушишлари керак. Шунда «Биз ким бўлишимиз керак?» ва «Ҳозир биз киммиз?» деган саволларни қиёслаш имконига эга бўлишлари мумкин. Бандасини яратган ва унга ҳаёт берган Аллоҳ уни қаерда ва қандай ҳолатда кўришни хоҳлайдиу, яратилган ва қул бўлган инсон ўзини қандай тутади?

Келинг, ҳадисни Аллоҳ Расулининг сўзи эканини ўйлаб, ўқиб кўрайлик:

«Аллоҳ қайси эркакка солиҳа аёлни завжа ўлароқ насиб қилган бўлса, Аллоҳ динининг ярмига унга ёрдам этибди. Қолган ярмида Аллоҳдан тақво қилсин».

Бу гап оддий бир олим гапи ёки мужтаҳиднинг ижтиҳоди эмас. Аллоҳнинг Ўзи «ўзидан гапирмайди, биз гапиртирамиз» деб буюрган мақомнинг сўзидир. Бу сўз эркаклар билан бирга аёллар ва қизларга ҳам тегишлидир. Эркаклар нимага толиб бўлишларини, нималарни излашлари кераклигини ушбу ҳадисдан билиб олишади. Шунингдек, қизлар ҳам ундан ким эканликларини билиб олишлари мумкин. Солиҳа бир аёл сифатида турмуш ўртоғини уйида кутиб ўтирганида «диннинг ярми» ҳажмидаги шахсиятнинг эгаси бўлиш, бу васфни

йўқотганида эса бой берган нарсаси динининг ярмини торта оладиган фазилат эканини билиши керак. Шу сўзни яна бир бор ўқиб кўрамиз:

«Аллоҳ қайси эркакка солиҳа аёлни завжа ўлароқ насиб қилган бўлса, Аллоҳ динининг ярмига унга ёрдам этибди. Қолган ярмида Аллоҳдан тақво қилсин».

Бу муболага ёки далда бериш учун айтилган гап бўлиши мумкин эмас. Бу сўз нубувват мақомидаги сўздир. Нубувват мақоми аёл ёки эркакни назарда тутмай, бандага йўлини кўрсатувчи мақомдир. Иймоннинг зарурати сифатида унга қулоқ солинади ва талаб этгани адо қилинади.

Ушбу муборак ҳадис мўмин эркак ва мўмина аёллар ўқиб, мулоҳаза қилиб кўришлари керак. Қуйида ҳадисдаги яширин огоҳлантиришларни соддароқ қилиб тушинтириб кўрамиз:

а) Ҳадис очиқдан очиқ никоҳни Аллоҳ тақдирининг иникоси ўлароқ кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам ҳар бир эркак бандасига марҳамат ўлароқ «солиҳа аёл»ни мисол қиляпти. Агар бир иш Аллоҳнинг марҳаматидан деб иймон келтирган бўлсак, бу марҳаматнинг табиий хотимаси сифатида Аллоҳ бандасини ўша марҳамат қилган нарсаси билан синайди деганидир. Никоҳ марҳаматнинг энг буюк кўринишларидан бири бўлгани сабабли, имтиҳоннинг энг каттаси ҳам у орқали бўлади. Агар эркак киши «солиҳа аёл»га уйланса, бу неъматни Аллоҳнинг марҳамати ва имтиҳони деб қабул қиласи, сўнг шунга кўра иш тутади. Аёл ҳам эри учун «солиҳа аёл» бўлганида қайси неъмат масъулияти билан эр-хотинлик ҳаётини яшashi ёки аксинча, яшамаслиги у учун имтиҳон эканини тушуниб этиши керак.

б) «Солиҳа аёл» ким? Солиҳа аёл солиҳ амаллар эгаси бўлган аёл дегани. Агар аёллар учун солиҳ амаллар рўйхати тузиладиган бўлса, бу рўйхат эркакларнидан

деярли фарқ қилмайди. Аҳзоб сурасининг ўттиз бешинчи ояти эркак ва аёлга қуллик вазифаларининг асосийларини чизиб беради. Тўғри, аёлнинг эркакларга қараганда ажралиб турадиган масъулият ва мажбуриятлари бордир, аммо булар умумий қуллик олдида катта аҳамият касб этмайди. Оят маъно-мазмуни қуйидагича: «Албатта, муслимлар ва муслималар, мўминлар ва мўминалар, давомли итоаткор эркаклар ва давомли итоаткор аёллар, садоқатли эркаклар ва садоқатли аёллар, сабрли эркаклар ва сабрли аёллар, хушуъли эркаклар ва хушуъли аёллар, садақа қилгувчи эркаклар ва садақа қилгувчи аёллар, рўза тутгувчи эркаклар ва рўза тутгувчи аёллар, фаржларини сақловчи эркаклар ва (фаржларини) сақловчи аёллар, Аллоҳни кўп зикр қилгувчи эркаклар ва (Аллоҳни кўп) зикр қилгувчи аёллар – ўшаларга Аллоҳ мағфиратни ва үлуғ ажрни тайёрлаб қўйгандир».

Оят солиҳ мўмин бўлиш борасида эркак ва аёлни ажратмаяпти. Ким қулликнинг ҳаққини берса, ана ўшани Аллоҳ үлуғ ажрга лойиқ кўряпти.

Аёл шахсиятида «солиҳа, яхши» каби васфларга эга бўлиши юқоридаги оядда саналган, эркаклар билан teng аддо этиладиган амаллар билан бирга аёлни аёл ўлароқ яратилиш заруратини ифодалаб берган ва унга тегишли хусусиятларнинг Аллоҳнинг мағфирати билан келишидадир. Аёлнинг иймонида ажралиб турадиган жиҳат йўқ. Намози ҳам бошқача эмас. Рўза ёки бошқа ибодатларда ҳам аёллар эркаклар билан бир хил. Аёлни ажратиб турадиган ва унга «солиҳа, яхши» бўлиш

хусусиятини берадиган жиҳат үнинг аёллиги билан боғлиқ нарсалардир.

Хусусан, бу борадаги энг биринчи аҳамиятли нұқта «аёлга тажовуз» бўлмаслиги керак. Бу ердаги «тажовуз» сўзини ҳар кимнинг хаёлига биринчи келадиган бокираликни ҳаром йўл орқали йўқотиш деган тор тушунча билан қабул қилмаслик лозим. Шундоқ ҳам бу ҳолатни бутун инсоният муаммо деб билади. Бу уммат қизлари учун мухим деб ҳисобланган хусусият ўлароқ биз аёлнинг асл фитратига аралашмасликни, үнинг шу фитратига тажовуз қилмасликни биринчи ўринга олиб чиқамиз. Бу ерда тажовуз тушунчасини кенг миқёсда олиб, аёлнинг жамиятда муносиб жойда бўлиш-бўлмаслиги, оиласидаги мажбуриятлардан имконият даражасида ҳимояланган ёки ҳимояланмагани каби бугунги ҳур идрок тан олмайдиган фитрий уйғунликка эътибор қаратамиз. Ишлаётган аёл мисолида бу фитрий чизиқнинг бузилганини айтиш мумкин. Эркак киши туриши керак бўлган жойларда аёлнинг бўлишини асл фитратга зид деб қабул қиласиз. Бу умматнинг қизи бўлиш азимати бир вақтнинг ўзида зиммасига инсоний фитратни ҳам олиш мажбуриятини юклайди.

Шунинг учун, солиҳа аёл, яъни Аллоҳ таоло наздида яхши бандада деб марҳамат қилинган аёл соф фитратдаги, Момо Ҳавво онамиздан ўтган жиҳатларини сақлаб қололган аёлдир. Ибодат деб билганимиз намоз ўқишдан бошлаб, аёлнинг отаси ёки турмуш ўртоғи билан ўзаро муносабатидаги назокатини сақлаб қолишида ана шу

мерос бўлиб ўтган фитратни кўрамиз. Бу тушунчадаги аёлнинг тана гўзаллиги, юздаги жозиба олдида Пайғамбаримиз соллалоҳу алайҳи васалламнинг ҳаёларини ўзи учун ўрнак қилиб олганига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Демак, «солиҳа аёл» бир тарафдан Аллоҳнинг марҳамати, иккинчи тарафдан эса диний ҳаёт давомийлиги таъминотининг бир кўриниши экан. Қиз фарзандни тарбиялашда ота-оналарнинг зиммасига худди жанг майдонида динини муҳофаза қилган мужоҳидникидек масъулият юкланади. Шу сабабли ҳам учта қизни тарбиялаган ота-онага жаннат ваъдаси берилган. Аммо шарти бу учта қиз умматга лойик бўлиши лозим!

в) «Солиҳа аёл» бўлишни ўзига мақсад қилган бу уммат қизига олдида «солиҳ эр» ва «солиҳ оила» мақсади ҳам тургани кўрсатилиши керак. Зоро, фақат аёлнинг ўзи «солиҳа» бўлиши ҳеч қандай натижа бермайди. Солиҳа аёлга солиҳ эр учрайди, ҳар иккаласи солиҳ оилани ташкил этишади. Бу эса Аллоҳнинг динини ихё этадиган жамиятни қуришдан олдин бизнинг қилишимиз зарур иш ўлароқ «солиҳа қиз» тарбиялашни қўйяпти. Азалий қадриятларни асраб, келгуси авлодга етказишдек буюк мақсад игна билан қудук қазишдан-да қийин бўлиб туулган ҳолатимизда ҳам «солиҳа қиз» тарбиялашни ҳеч бўлмагандан ният ва ҳаракат нуқтаи назаридан амалга оширишимиз мумкин.

Бажара олмаслигимизга ҳеч қандай узр қолдирмайдиган мажбуриятимиз бу.

«Солиҳа аёл» бир жинсга берилган исм эмас. Бу аёл зотининг сифатини белгиловчи номдир. Ушбу фазилат эгаси мўмин бўлиш ва ибодатларни адо қилишидан аввал мўътадиллик сифатига эга бўлиш талаб этилади. У на дунёга муккасидан кетган, на дунёга этак силтаган. Ўтмиш ва бугуни ўртасида эзилиб юрмайди. Шахсияти учун лозим деб билган нарсасини кўрган жойида олади. Фитратига тескари иш қилмайди.

г) Бу кенг чизиқларга қараб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам нима учун: «Аллоҳ қайси эркакка солиҳа аёлни завжа ўлароқ насиб қилган бўлса, Аллоҳ динининг ярмига унга ёрдам этибди. Қолган ярмида Аллоҳдан тақво қилсин», деганларини янада яхшироқ тушунамиз. Аёлнинг солиҳалиги, яъни Аллоҳга қуллигини ифодалайдиган тақво тушунчаси, сабр-тоқатдан тортиб то намозига, аёллик фитратини сақлашигача бўлган том маънодаги мавжудлиги энг камида диннинг ярмини белгилайди. Бу ҳолат математик ҳақиқатдан ҳам кўра диннинг аёл устидаги вазифаларига асосланади. Эркакларнинг ва оиланинг руҳиятига баҳо берилганда аёл номидан адо этиладиган ишлар айни дамда эркаклар томонидан ҳам амалга оширилишини кўрамиз. Аёл буни биладими ёки йўқми, ҳолат шундан иборат. Бу умматнинг бир қизи мана шундай юксак истиқболнинг қизидир. Унга ўхшаган учта қизни тарбиялаш мадрасаларда Қуръон ҳофизларини етишириш, фақиҳларга устозлик қилишга ўхшайди. Уч қиз ёки учта опа-сингил, энг муҳими, умматга шу хусусияти

билин ажралиб турувчи инсонни етишириб беришдир. Ох, қани энди, қиз тарбиялашнинг аҳамиятини ана шу буюклиқда тушуна олсак эди, агар биз қизларимизни шу қараш билан кашф этиб, уларни үйларимиздаги оёқли фаришталар, жаннатга хушхабарчилари деган назар кўра олганимиздами?!

д) Чуқур мулоҳаза қилиш талаб этмайдиган ва у ҳақда тафаккур этиш керак бўлган ҳақиқатлардан бири қўйидагича:

Бой берилган ёки умматнинг қизи сифатида улғайтирилмаган ҳар бир қиз ҳақида нима дейишимиз, бу мусибатга қандай ном беришимиз мумкин? Уни эриб йўқ бўлиб кетаётганига йиғлаймизми ёки қўлимиздан чиқариб юборган хазинамизгами? Ким билади мактаб ёки кўчаларда қанчалаб жаннат мұхофизлари исроф бўлди... Қанчалаб жаннат васиқалари, жаннат йўриқномалари дўконларда, гўзаллик салонларида, тўй-хашамларда, қариндош-урӯғ муносабатлари орасида чириб йўқ бўлди. Аллоҳ таоло исроф қилинган бир бўлак ноннинг ҳисобини сўраганда, ҳар бири жаннат элтувчи бу умматнинг муборак қизларининг ҳисобини сўрамайдими? Бу йўқотиш фақат ўша қизнинг ота-онасиға тегишлими ёки қиёматгача келадиган бутун умматгами? Албатта, бу саволга жавоб беришдан олдин, дунёга келаётган қизларимизни фақатгина фарзанд деб биламиزمи ёки жаннатга элтувчиларми, ана шуни аниқлаштириб олишимиз керак. Қизларимиз Аллоҳ уларни яратган ва қўйган мақсадидан ташқарига чиқарилганида зулмга учрашмоқда. Ҳақ билан

ботилнинг қоришиб кетиши зулmdir. Бу зулм умматимиз қизларини жаннат калитлари, жамиятнинг асоси бўлишлари ўрнига тўқимачилик комбинатларида ишлаш, дўконларда кўзини узолмайдиган иштиёқманларнинг кийимини тўғрилаб қўйиш орқали ҳам юзага келади.

е) «Солиҳа аёл» умуман қўлдан чиқарилган ёки ўтмишда қолган мақсадимиз эмас. Кеча биринчи авлод солиҳа аёлга эришиш йўлида муваффақиятга эришган бўлса, Аллоҳнинг изни ила, биз ҳам бу ишни уддалаймиз. Аллоҳ таоло бандаларини уларнинг тоқати етмайдиган нарса билан имтиҳон қилмайди. Биринчи авлод намозни ҳам жуда чиройли шаклда адо этар эди. Ҳозирги авлод намозни улар каби ўқий олмаяпти дея масжидларни ҳам қулфламаяпмиз. Намозларни тўқис адо қилишга эришгунча мақсадимиз давом этади. Худди шунга ўхшаб солиҳа аёл йўлидаги мақсадимиз ҳам тўхтамайди. Умматимизнинг барча қизлари солиҳа бўлсин дея ғайрат қиласиз. Ҳар бир қизимиз дуоларида «Аллоҳим, мени солиҳ қизлардан қилгин», деб дуода бўлишади. Ўлиб кетсак ҳам буюк мақсадимиздан воз кечмаймиз. Биз ана шу умматнинг оиласимиз. Бу буюк умматга отамиз, онамиз. Қизларимиз охиратгача давом этадиган буюк умматнинг қизларидир. Бу мақсад йўлида:

– Фоямизни белгилаб олайлик. Ота-оналар ўзаро бу ҳақда гапиришсин. Одамлар орқасидан югурладиган дунёвий мақсадларнинг ўрнига биз бу улуғ мақсадни қўяйлик.

- Қиладиган ишларни тартибга солайлик: устуворларини биринчи ўринга қўяйлик. Унча мұхим бўлмаганларини кейинга олайлик.
- Аллоҳ бизга берган барча имкониятдан фойдаланайлик. Барча ҳалол ва мақбул үсулларни ишга солайлик.
- Натижа хайрли бўлишини Аллоҳга қолдирайлик. У хоҳлаган ҳамма нарса амалга ошади. Бизнинг вазифамиз бор қилиш эмас. Банда ўлароқ зиммамизга юклатилгандарни бажарайлик. Шунинг ўзи етади.

Солиҳа аёлларга ўхшашни истайман...

Ёшим 20 да. Университетда ўқийман. Шу ёшгача онамнинг барча қилган ҳаракатларига қарамай, на ўраниш ҳақида, на намоз ҳақида ўйлаб ҳам кўрмадим... Бу гапларни жуда ҳижолат бўлиб айтмоқдаман.

Университет ётоқхонасида тураман. У ерда ўранган дугоналарим бор. Сизнинг марузаларингизни кўп эшиитаман. Мана шу ҳолатлар мени ўзимни ўзим ҳисоб-китоб қилишга мажбур қиласди... Озгина онгсизлигим, озгина отамнинг масъулиятсизлиги ва бундай муносабатларининг натижасида оиласизнинг деярли барча юкини онам зиммасига олган. Онамнинг: «Ўқи, бироннинг қўлига қарам бўлиб ўтирма...» деган гаплари билан академик бўлишни олдимга мақсад қилиб, университетга кирдим. Мен бу ерда онамни айбламайман, чунки ўзим ҳам шундай ўйлардим.

Аммо айни дамда ўтирганим бу аудиториядан ҳам, ўз олдимга қўйган мақсадларимдан ҳам безовталаниб

қолдим. Ўзимга-ўзим доим «Бу эмас!» дейман. Нафақат университет, балки ҳаётимнинг ҳар бир жабҳасини қамраб олган режаларимга “энди бундай бўлолмайди”, деган назар билан қарайман. Излаётганим, бўлишни хоҳлаганим, қилмоқчи бўлганим... Амалга оша бошлаган режаларим ва ҳаёт тарзимдан воз кечиш осон бўлмаяпти.

Ортга назар ташласам, кўрганим «мен» билан келажақда бўлишни истаганим «мен»нинг осмон билан ерча фарқи бор. Бу ўтиш даври мени жуда қийнаяпти. Шунча йилдан бери ўранишимни қистаган онамнинг ўранишим ҳақидаги гапларидан кейин «Сен ҳали ёшсан. Ҳеч бўлмаса, рўмолнинг қорасини ўрама, бу плашинг жуда кенг...» каби билдирган танқидлари, гарчи оддий сўзлар бўлса-да, шаштимни синдиради. Онам билан маслаҳатлашиб иш қилишни ҳам истамай қолдим...

Сиз кўп бора ҳикоя қилган саодат асидаги солиҳа аёлларга ўхшагим келади. Уларга ўхшаш учун қанчалик ҳаракат қилаётганимни билсангиз эди... Қалбим ва ақлим буни маъқулласа ҳам, йигирма йилдан бери ҳаддидан ошиб кетган нафсим қаршилик билдириб, мени қийнайди. Сиздан бу тарзда сўраб тўғри қиляпманми ёки йўқ, билмайман, лекин бошида сиздан ўргана бошлаганим учун ёрдамни ҳам сиздан сўрамоқчиман. Ўзимни қандай ўзгартириш кераклигини, бу борада қайси йўлдан боришни билмайман. Аллоҳдан дуо қилиб сўрайман, менга хайрлисини беришига ҳам ишонаман... Лекин... Ҳаётимда жуда кўп «лекин»лар бор.

Айтадиган гапларингиз мен учун жуда мұхимдир. Маслаҳатингизга мұхтожман. Умид қиласынан, дардимни түшунтириб бера олдим. Менга йўл кўрсатишингизни хоҳлайман. Аллоҳ сиздан рози бўлсин.

### Сабр сенинг жаннатингдир

Қизим, ўзингни ўзгартириш учун жуда муносиб ёшдасан. Ҳатто бу тушунча ва ҳасратинг билан сени ўн йилдан кейин кўришни тасаввур қилиш ҳам мени ҳаяжонга соляпти. Ўйлайманки, бу сўзларимнинг сенга фойдаси тегади, дуо қилишингга сабаб бўлади. Умматимнинг эртанги кунида номи қоладиган мўжоҳид аёл бўлишинг учун дуолар қиласынан.

Қизим, биринчи иш уруғдан иборат. Сўнг уруғни экиб, ундан кейин уни парваришлишдир. Бу ишлар амалга оширилгач, кўз олдимиизда азим дараҳт пайдо бўлади.

Сенга ҳам аввал иймон уруғи керак эди, қара, уни топибсан, алҳамдулиллаҳ. Қанчалар чиройли шаклда бажарибсан, ичингни иймон уруғи билан яшнатибсан. Бу катта қадам, мукаммал бошланғич бўлибди. Хотиржам бўл, қолганлари жуда осон.

Бу иймон лаззатини қадрла. Мингта хатоинг, мингта айбинг билан ҳам «Менинг Раббим!» дея оладиган иймонинг тирик бўлиши кифоя. Ана шундай изланиш сен учун ҳамма нарсадир. Ана шу нуқта энг гўзалидир.

Иккинчи қиласынан ишинг қўлингдаги иймон кўчатларини экишдир. Бу кўчат экиш иши атрофингдаги дўстлар ва маданий ҳаётингини ташкил этувчи унсурлардан иборат.

Бу нарса сени бироз толиқтиради. Интернет орқали изланасан. Атроф-муҳитдан танлайсан. Қўрқмайсан ва чарчамайсан.

Учинчиси, қўлингдаги кўчатни ўтқазгандан сўнг, уни парваришилаш ва ҳимоялашдир. Бу эса сенинг ибодат ва дуоларингдир. Намоз ва Қуръон ўқиш билан ибодатларингни бардавом этгин. Агар Қуръон ўқишни билмасанг, дарҳол ўрган. Уни ўрганиш учун сенга бир ҳафта вақт ҳам етиб ортади. Сўнг самоларга юксаладиган ички овоз билан Раббингга муножот қил. У китобни қайта-қайта ўқи. Ана шунда кўрасан, сен учун қанчалар ҳузурбахш онлар бўлишини!

Ибодатлар жуда муҳим, буни унутма. Энг биринчи намоз эътиборга олинган ҳолда ибодатларнинг аҳамияти жуда катта. Ибодатдан лаззатлана бошлаганингда сени гуриллаб ёнаётган ўтга отсалар ҳам, у ерда гўё салқиндек нафас оласан. Сени сувга отиб, денгизнинг энг тубига туширишса ҳам қувончдан порлайсан. Ибодат жуда муҳим. Раббиға етишиб, жаннатга мушарраф бўлгунига қадар...

Дуо ҳам муҳимдир. Шу даражадаки, олаётган нафасингиз ҳам вақти-вақти билан дуога айлансин. Тилинг пиҷирлаётганда сен гапиравер, дардларинг билан роҳатлан. Дуодан лаззатлана ололсанг, ўзингни ҳеч қачон ундан тўхтата олмайсан, қўлинг, тилинг, кўзинг, қулоғинг дуода бўлади... Эртаю кеч дуо қиласан. Ва энг муҳими, қизим, сен илмсиз қолмайсан. Қайси динда бўлсанг, ўша диннинг илмини эгаллайсан... Асосийси, юзаки эмас,

ҳақиқий илминг бўлади. Ҳар куни билимингни бир поғона юксалтирасан. Бу борадаги қоида шундай.

Бу илм поғоналарида кўтарилиш асносида, Аллоҳнинг изни или қилишинг керак бўлган янги ва ҳаяжонли ишлар билан тўлиб-тошасан, юзинг кулади.

Ўрни келганда бир нарсани эслатиб қўйсам, бу нарсаларни идрок эта бошлаганингда сени хайрли ишга йўналтирган каминанинг ҳаққига ҳам дуо қил:

Яхши мўмина сифатида яашни истасанг, сенга жуда кўп қувват керак бўлади. Қувватинг эса тез тугайдиган қадрли нарсадир. Уни ҳеч қачон мўминлар билан тортишиб, сарфлаб юбормагин! Ҳеч қачон!

Айниқса, ота-онанг билан тортишма, уларга ўжарлик қилиб, баҳс-мунозарага киришма. Ўзинг тўғри деб билганинг мавзууларда оёқни тираб туриб, қаршилик билдиришса ҳам улар билан сан-манга борма. Албатта, ботил мавзууларда ҳеч қачон ён босма, лекин кучингни ҳам исроф қилма.

Тенгқурларинг ва дўстларинг билан беҳуда баҳсларга киришма. Ўзинг тўғри деб билган нарсаларни улар билан баҳслашиб, мустаҳкамлаб оламан деган хаёлга борма. На сен уларни, на улар сени ишонтира олади, ўртада эса ҳар икки томон бир-бирини тугатади. Сабр қиласан ва ғалабага эришасан. Сабр – сенинг қуролингдир. Сен сабрсан. Сабр сенинг жаннатингдир. Сабр сен интизор кутган мақсаднинг айнан ўзиdir. Шунга қараб ҳаракат қил ва ўрнингдан тур, қизим.

Сени Аллоҳга омонат қолдирман.

## **Бу умматнинг аёли нима учун олима бўлолмайди?**

Баъзи сабабларга кўра «мужоҳид», «шайх» ва «муршид» каби васфлар аёлларга нисбатан қўлланилмайди. Гўёки бу сўзлар аёллар учун тақиқлангандек. Шундай бўлгани учун ҳам қизлар унга эришиш мақсадида унинг орқасидан югуришмайди, «Мен ҳам бир кун шундай бўламан», дейишмайди.

Айниқса, «олим» сўзи аёлга нисбатан жуда кам қўлланилади. Ажабо, олим деган таъриф аёлга ярашмайдими, деб сўрашингиз ҳам мумкин. Илоҳиётчи бўлиши мумкин. Аёл мұҳандис, шифокор, сиёsatчи, бошлиқ, давлат хизматчиси бўлиши мумкин ва бўлди ҳам. Нима учун олима аёл бўлолмаслиги мумкин?

Агар бу умматнинг ичидан «олима аёл» кўплаб топилганида, бугунги қиёфамиз хунук бўлмаслиги аниқ эди. Аёллари илм билан қуролланган уммат билан аёлни олима бўлишидан узоқ кўрган уммат бир хил даражада бўлолмайди. Қизларимизнинг диний илм таҳсил олишларини ҳеч ким нотўғри деб билмайди. Чунки илоҳиётшунослик билан илм бир хил нарса эмас. Бир мансабни эгаллашни таъминлаган диплом билан Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг изини тутган кишининг қарашлари бир хил бўлмайди.

Бу умматнинг ичидан олима аёл чиқишига ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Ҳар бир инсон Аллоҳ бандаларига очган илм эшигидан кириши мумкин. Агар аёллар орасидан олимлар чиқмаётган бўлмаса, бу ҳолат эркакларнинг ота ва муаллим сифатида уларни бу мавқега муносиб деб билмасликлари билан изоҳлаш мумкин. Бундай жавобгарликни фақат эркаклар зиммасига юклаш ҳам нотўғри.

Аёлларда ҳам илмни ва олимликни қадрламаслик хатоси бор. Бунга сабаб қилиб аёлларнинг уч-тўрт кунлик меҳнати билан олим бўлишни исташидан бошлаб, турмуш қурганининг дастлабки куниданоқ илм билан хайрлашишдек бевафолигини айтиб ўтиш керак. Ҳаётини илмга бағишлигаран аёлларимиз албатта бўлиши зарур. Ёш қизларимизнинг илм-фанга қизиқиши омманинг сарпосуруққа бўлган ҳаяжонидан ўтиб кетиши зарур. Бу умматнинг қизи илм ва амалга бўлган ҳаяжони билан фарқланиб туриши керак.

Аёл олим бўлади. Аёл олим бўлса, ўзининг соҳасидаги эркакка нисбатан буюк ишларни амалга оширади. Умматимиз ўтмишда буни үддалаган. Ҳозир ҳам қила олади. Бу иш қийин, аммо имконсиз эмас. Баъзан қизларимизнинг қуролли тўқнашувлар бўлаётган жойларга шаҳид бўлиш учун боришни хоҳлашлари ҳақида эшитиб қоламиз. Хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин, барча учун энг қийин нарса жон беришдир. Бу ишни бажаришни хоҳлайдиган қизлар бўлганида, нега Абу Ҳанифа изидан борадиган қизлар бўлмасин? Албатта, бўлади. Бу иш қизларимиз шуни хоҳлашлари ва талаб этилган ғайратни кўрсатишлари билангина амалга ошади. Уч-тўртта

ўқитувчи аёлни эмас, охиригача ўрганишга қасд қилган олима ва мураббия аёлларни назарда тутмаяпмиз.

Бу умматнинг қизлари олима ҳам бўлади, мужоҳид ҳам. Шайх ҳам бўлади, муршид ҳам. Бу васфлар фақат эркакларга эмас, ҳаққини бера оладиган ҳаммага нисбатан қўлланилиши мумкин. Ким Аллоҳга даъват қилса ва кимнидир дўзах оловидан қутқарса, Аллоҳнинг изни ила, у ўша даврнинг Мусъабига айланади. Ясрибга бориб, у ерни Ислом марказига айланишига ҳисса қўшган киши кеча нимани амалга оширган бўлса, бугунги мўмин кишининг вазифаси ҳам шундан иборат. Албатта, аёлларнинг моддий имкониятлари эркакларникига қараганда чегараланган. Оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда маҳфийлик тамойилларига асосланган қоидалар эътиборга олинади. Турмуш қурган эр-хотиннинг ўртасида ҳам маълум чекловлар бўлиши мумкин. Она бўлганда болага боғлиқ вазифалар қийинлашиши бор гап. Эркакка қиёсланганда аёл кишининг шароити оғирроқ ва тиғизроқ бўлиши эҳтимоли бор. Шунга қарамай, Аллоҳ йўлига даъват қилишда, жамиятнинг диний ҳаётини таъминловчи ишларда аёлнинг аҳамиятини пасайтиришга ҳеч қандай асос йўқ. Барча қийинчиликларга қарамай, аёлнинг қўли ва тили бу борада жуда барокатли эканини унутмайлик. Олима аёл олим эркақдан кўра барокатли бўлиши мумкин. Фитратида мураббийлик бор аёлнинг арабча ўрганиб, уни ўргатиши, фикҳни билиб, уни татбиқ этиши, тафсир илмини ўрганишга киришиб, Қуръон илмини ихё қилиши умуман фарқ қиласди.

Сўнгги асрларда биз жуда кўп нарсани йўқотдик, аммо буларнинг бари олима аёлни йўқотишининг олдида ҳеч қандай қийматга эга эмас. Бизга яна олима аёлнинг ғайрати зарур. «Олима аёл бўлиш ғайрати» деганда асло диний факультетларда ўқиб, динни касб қилиб олишни, турмушга чиқаётганда бошқалардан ажралиб туриш учун дипломли деган номга эга бўлишни тушунмаслик керак. Бугунги диний факультетлар мавжуд муҳити ва тартиб-коидасига қўра биз кутган натижани беролмайди.

Олима аёл олим эркакларнинг ҳам юкини камайтиради. Эркакларга хос олимлик билан аёл дунёсига тегишли эҳтиёжларни тўлиқ қамраб олишнинг имкони йўқлиги аниқ. Балки шунинг учун ҳам олимларимиз «олима қиз» этиширишни ҳатто режалаштиришдан ўзларини узоқ олишгандир. Шундоқ ҳам аёлга фитна деб қаралгани учун фитнага яна фитнани улаб юборишга журъат этишмагандир. Ҳолбуки, аёл фитна бўлса, унга қизиқиш ва у ҳақда жадал режалар тузиш эҳтиёжи ҳам ўша фитнанинг зарурати бўлиши керак эди. Бу умматнинг эркак ва аёллари бир жойда бирлашиш билангина омонлиқда бўлишади. Эркаклар нимага мухатоб бўлишса, аёллар ҳам шундай ҳақ-хуқуққа эга. Бу ҳақда қайтадан ўйлаб кўришга мажбурмиз.

Қизларимиз охири Аллоҳнинг ризоси ва жаннат бўлган илмга муҳаббат қўймоқлари лозим. Вақф ва бирлашмаларимиз ҳам энди диний илм таҳсил олаётган талabalарга стипендия ажратишни даврнинг энг катта сармояси деб қабул қилишдан анча орқада қолганларини тушуниб этишлари керак. Уммат биринчи навбатда илмий муҳитини ташкил этадиган юзлаб олима аёлларни

тайёрлашни режалаштирадиган ва ишни шариат қоидалари даражасида адо этишга интиладиган вақф ва уюшмаларга асос солиши мұхим. Минглаб әркакнинг битта олима аёлни тарбиялаш үчүн кечаю кундуз меңнат қилиши, Аллоҳнинг изни ила, Истамбул фатҳ қилинган кундаги хушхабар каби самоларда акс-садо берадиган давр бўлади. Ана ўшанда аёлларимиз зиммасидаги бетартиб ишларига қарши бизнинг ҳақиқий жиҳодимиз амалга ошади. Ҳижобга ўхшаш хассос ва нозик масалаларни әркаклар шарҳлашига эҳтиёж қолмай, ёш олима аёллар томонидан тушунирилганида, ҳатто олима қизлар бу каби масалаларни ўзаро илмий мунозараларда гаплашиб, асарлар ёзишганида, фатҳнинг яқинлашганига умид қилсак бўлади.

Булар хаёлий нарсалар эмас. Бу бажарилиши зарур ёки бажартиришга мажбур бўлган вазифалардир. Бу ишнинг қийинлиги ундан қочиш үчүн сабаб бўлолмайди. Жон бериб, шаҳид бўлиш ҳам оғир, аммо биз унга толиб бўлиб интиламиз. Мажбуриятларимиз қийинлиги үчүн ҳам жаннат арzon эмас.

Зарур олима аёллар билан таъминлаш ва бу умматнинг ичидан – Миср, Туркия, Сомали, Суриядан юзлаб мужтаҳида олималарни етиштириш, албатта, унча осон эмас. Лекин шу билан бирга у ошиб ўтилиши қийин довон эмас. Аллоҳ таолонинг марҳамати билан бу борада олиб борилган ишлар қисқа муддат ичида натижа беради.

Бу уммат барокатли умматдир. Умматимиз қизлари Осиё онамизга номзод қизлардир. Уларнинг ичидан олима ва

мужтаҳидалар чиқади. Тарихда бунга мисоллар кўплиги учун бизнинг ташвишланишимизга ҳожат йўқ.

Бизгача етиб келган мисолларни ўрганиб чиқишининг ўзи ҳам умидимизни оширади. Имом Суютийдек олимнинг устозлари орасида ижоза оладиган даражада дарс ўтган элликдан ортиқ аёл олималар бўлганини барча ёш қизларимиз билишлари зарур. Ибн Ҳожарнинг завжаси ва қизлари муҳаддис олим бўлганлари маълум. Имом Бухорийдан ижоза олганлар орасида юзлаб аёлларимиз бўлганини унутмаслик зарур. Эндиликда қизларимиз асрлар давомида йўқотган нарсаларига тўғри йўналтирилиши керак. Уларни илм олишга катта эҳтиёжлари бор.

## **«Марямнинг онаси – аёлларимизга гўзал ўрнак!»**

Қиз фарзанди дунёга келар келмас унинг сепини йиғиши бошлайдиган оиласалардан иборат мўминлар жамиятининг бориши мумкин бўлган нуқта аниқ эди ва бунга эришилди ҳам. Ҳазрати Марям ҳали дунёга келмасиданоқ Аллоҳ йўлига назир қилинганини хотираларимизга ўчмайдиган қилиб ёзиб қўйишимиз лозим. У ўғил бўлишни хоҳлаган эди, лекин қиз туғилди. Қиз туғилгач, бундан хафа бўлмади. «Қиз бола Аллоҳ йўлида адо этиладиган ишларни ўғилчалик бажара олмайди» дея ўйлади у. Балки у хафа бўлгандир. Бу ҳолат унинг дуосида акс этди. «Ва ўғил қиздек эмас», деди у. Охир-оқибат қатъияти ҳам пасайди. Қиз бўлса ҳам Аллоҳга берган ваъдамнинг

устидан чиқишим керак, деди. Гўдагини йўргаклаб, назир қилган жойига олиб борди. Аллоҳ таоло унинг самимий ва ҳаяжонга тўла юрагининг талабини қайтармади. Марям аёллар ва эркакларнинг иймонига ўрнак бир аёл бўлди. Марямнинг онаси дафн этилган тупроқларнинг устида, ким билсин, ўнлаб давлат тикланиб, вайронга айлангандир. Бу дунёда ҳатто суюкгидан асар ҳам топилмаслиги мумкин. Аммо энг буюк асари – Марям миллиардлаб инсонлар учун имон ва куфр мезонининг рамзига айланди. Уни дунёга келтириб, уни муқаддас жойга ташлаб келган Марямнинг онасини Аллоҳ унутмади. Уни Қуръонга мавзу қилди. У ҳақида оят туширди. Отидан фаришталарни юргазиб қўйди. Уни ҳам, қизини ҳам аёлларнинг бошига султондек кўтартирди.

Таассуфки, бугун зерикарли, ҳатто ўзимиздан ҳам безиб кетган бир замонда яшаяпмиз. Шуни унутмаслигимиз керакки, бугунги кунда бизни маҳв этаётган нарсанинг ўхшашини, балки ундан ҳам оғирроғини Марямнинг онаси ҳам ўзининг даврида яшаган эди. Мусо алайҳиссалом олиб борган мужодаланинг акс-садолари ҳали пасаймасидан унга иймон келтирганлар динни аралаштириб юбориб, дунёвий динни ихтиро қилишган эди. Ўзларини сақлаб қолиш мақсадида турли фалсафаларни ўйлаб топишган эди. Пайғамбарларини кетма-кет қатл қилиб, уларга осий бўлишарди.

Марямнинг онаси бу бузғунчи жамиятда ёлғиз ўзи ҳеч нарса қила олмаслигига кўзи етса ҳам йиғи-сиғига берилиш ўрнига, фарзандни дунёга келтириб, уни Аллоҳ йўлида назир қилишни афзал кўрди. Шундай қилди ҳам. Аллоҳ ҳам унинг бу ниятини самимий қабул этди. Нияти

ва ишига барокат берди. У оламларнинг аёлига айланди. У бир ўзи коинотда жўн, лекин таъсири қиёматгача давом этадиган лойиҳага эга чиқди.

Биз «олима қиз лойиҳаси» ҳақида гапираётганимизда, агар амалга ошиб қолса, ажойиб бўларди, деб тушнинг таъбирини қилмаяпмиз. Аллоҳ ўша Аллоҳдир. Аллоҳ Маряннинг онасини коинотдаги энг машҳур лойиҳа эгасига айлантириди. Унинг самимийлигини билгани учун ниятига барака берди. Оддий аёл сифатида режалаштирган нарсасини Аллоҳ коинотни қамраб олган мўъжизаларга асос қилди. Аллоҳ ўша Аллоҳдир. Барча бандаларига лутфи ила муомала этишга қодирдир. Муаммо ва камчилик бизнинг ўзимизда. Иймон келтирганимиз Қуръони Каримда Маряннинг онаси ва Марям ҳақида ўқисак ҳам, тааассуфки, бу умматнинг қизларидан олим, мужтаҳид, муршид чиқиши мумкинми, деб хавотирга тушамиз. Бир мўмин чиқиб, «Мен мўминман ва жаннатга киришимга васила бўлиши учун қизимни феълан Аллоҳга бағишлайман. Уни олима қилиб тарбиялайман», деса, ўйлайманки, Маряннинг онаси Ҳаннонинг устидан кулган Исроил ўғиллари каби бугунги кун одами ҳам Ҳаннога ўхшашга ҳаракат қилган отаоналарнинг устидан кулишади.

Йўқ. Минг бора йўқ. Бу нотўғри тушунчага эътиrozимиз бор. Қизларимизнинг олим бўлолмаслигига, бўлса ҳам турмушга чиққанида эри уни үйдан чиқармаслиги ҳақидаги тушунчага эътиrozимиз бор. Аллоҳ ўша Аллоҳдир. У Аллоҳ ўлиқдан тирикни чиқаргани ҳолда нега бу уммат қизларининг ичидан даъватчи, олималарни чиқармасин? Дангасалигимизни ва ҳеч қандай фойдаси

Йўқ үдумларимизни қонуният деб ўйладик, шунинг учун бу даража эсанкирадик. Закариё алайҳиссаломнинг жияни ҳисобланган қиз Марям бўлди-ю, нега Мұхаммад алайҳиссаломнинг қизларидан бири мужоҳид, олим, муршид бўлмасин? Нима учун? Фиръавннинг саройидан Осиё чиқдию, Каъбани тавоф қилаётган бу умматнинг қизларидан олимлар чиқмасин? Буни имкони йўқ дейиш қанчалар пуч тушунча, қандай ота-онаки мана шундай ўйлайди? Бу қандай имомликки, аёлларга динни тушунириш мажбурияти эркакка тегишли деб билсалар?

Ушбу икки оят барча оналарнинг Фотиҳаси бўлсин. Бу оятларни қайта-қайта ўқийлик. Балки шундагина Аллоҳ таоло қалбимизга ҳассослик бериб, ўзимизга келармиз ва фарзандларимизни хаёлий қарашларимиз билан эмас, Аллоҳнинг иродасига кўра тарбия қилармидик?!

Аллоҳ таоло Қуръони каримда Марямни барча иймон келтирганларга ўrnak қилиб келтиради. Хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл, мен мўминман, деган ҳар бир кишига Аллоҳ таоло мўминнинг шундай бўлиши кераклигини буюрди:

**«Ва Марям Имрон қизини (мисол келтирди), у фаржини пок сақлаган эди, Биз унга Ўз руҳимиздан пуфладик ва у Роббининг сўзларини ҳамда китобларини тасдиқ қилди ва итоаткорлардан бўлди» (Таҳрим сураси, 12-оят).**

Энди ушбу оятда эслатиб ўтилган Маряннинг онасининг ҳис-туйғуларини, оналик қарашларини Оли Имрон сурасининг 35–37-оятларидан кўриб чиқайлик:

**«Имроннинг хотини: «Роббим! Албатта, мен қорнимдагини Ўзингга холис назр қилдим. Бас, мендан**

**қабул эт. Албатта, Сен эшитувчи, билувчи Зотсан», деганини эсла! Уни (Марямни) туққан чоғида: «Роббим, мен буни қиз туғдим-ку!» деди. Ҳолбуки, Аллоҳ у нима туққанини яхши билади. «Ва ўғил қиздек әмас. Ва мен унга «Марям» деб исм қўйдим ва албатта, мен Сендан унга ва унинг зурриётига шайтонир рожим шарридан паноҳ тиларман». Бас, уни Робби жуда яхши қабул қилиб, ниҳоятда гўзал ўстирди ва Закариёни унга кафил қилди. Закариё ҳар қачон унинг олдига, меҳробга кирганида унинг ҳузурида ризқ кўрди. «Эй Марям, сенга бу қаердан?» деди. «Бу Аллоҳнинг ҳузуридан. Албатта, Аллоҳ хоҳлаган кишисига беҳисоб ризқ берур», деди».**

Шуни унутмайликки, булар Қуръони карим оятлариdir. Биз оятга иймон келтирганмиз.

Аллоҳ ўша Аллоҳдир.

Ушбу айтилганлар эса бизга ибрат бўлиши учун Қуръони каримда келтирилгандир.

## **“Бу умматнинг қизи”га мактуб “Солиҳ бир мўминга турмушга чиқишни истайман”**

Мұхтарам устоз, Аллоҳ сиздан рози бўлсин ва хизматларингизни қабул қилсин. Мен 23 ёшдаман, ҳали турмушга чиқмаганман. Оиласа аъзоларим ва атрофимдагилар доимијаравишида оила қуриш ёшида эканимни айтаверишади. Мен ҳали ўзимга мосини

учратганим йўқ. Алҳамдуиллаҳ, динимизда гуноҳ дейилган амалларни қилишдан ҳазар қиласман, рисоладагидек оила қуришни истайман. Кўпинча онамнинг: «Биронтасини учратмадингми? Ўқишинг ҳам тугади, ўқишида ким биландир танишгандирсан? Қара, сен тенгилар турмушга чиқиб кетяпти, сен эса уй қизи бўлиб қолдинг!» дейиши мени жуда-жуда хафа қиласди. Лекин буни сездирмасликка ҳаракат қиласман. Мен атрофимдаги йигитларга потенциал эр сифатида қарамайманку! Онам ўзи билмаган ҳолда очиқдан-очиқ мени ҳаром муносабатларга ундаиди. Бироқ мен Раббимнинг ризосига мос солиҳ бир мўминга турмушга чиқишни истайман. Ундан ташқари, мен турмушга чиқишни хоҳлаган инсонни моддий нарсаларига эмас, балки маънавиятига эътибор беришимни айтсам, бу ҳам катта муаммога айланиб кетди. Мен беш вақт намоз ўқийдиган кишини хоҳлайман, лекин онам: «Ҳамма ўзи учун ўқийди, агар ўқимаса, гуноҳи ўзига», дейди. Ота-онам, акаларим намоз ўқишмайди. Мен 7 йил олдин интернетда намознинг аҳамияти ва фазилати ҳақида ўқиб қолдим. Ва ўзимга-ўзим савол бериб, намозни бошладим. Оила аъзоларим намоз ўқишмаса ҳам, турмуш ўртоғимнинг намозхон бўлишини шунчалар хоҳлайманки... Бу ҳолат баъзан мени ёмон хаёллар оғушига солади. Шунда мен ўзимга: «Нима қиляпсан сен? Аллоҳ бўл, деса, бўлади. Унинг учун ҳеч қийин жойи йўқ. Буларнинг ҳаммаси бир имтиҳон», дейман. Онамнинг бундай муносабатига нисбатан ўзимни қандай тутишим керак, қандай муюмала қиласай? Сабр қил ва ғалаба қозон Қизим, бир пайтлар Фиръавн номли золим бўлган. У ҳам хотинини энг катта ҳаром ишга мажбурлаган. Хотини эса Аллоҳни ҳамма

нарсадан устун қўйди. У Фиръавнинг айтганини қилмади. Уни ўлдиришди, парча-парча қилишди, шунда ҳам рози бўлмади. Натижада, у аёл барча мўминларнинг онаси, жаннатнинг энг суюклиси ўлароқ Раббига қовушди. Фиръавн дўзахнинг ўтинига, у эса жаннат қушига айланди. Иккаласи ҳам абадият эгаси бўлишди. Бири абадий дўзахга, иккинчиси жаннатга эришди. Қизим, жуда аянчли вазиятга тушиб қолибсан. Камига онанг томонидан. Агар эплай олсанг, сен ҳам ютасан; абадиятни ютиб олишинг мумкин. Сабр қил ва ғалаба қозон. Сенга қўйидаги қисқача тавсияларни эслатиб ўтаман: а) Оила қуришга беэътибор бўлма, вақт келиши биланоқ турмушга чиқишга тайёр бўл. Сен жуда гўзал ва оқилона фикр юритгансан. Албатта, сен кўчага чиқиб, муносиб номзодни қидирмайсан. Парвардигор пешонангга ёзганини эрта ёки кеч бир кун топасан. Бунга ишончинг комил бўлсин, шубҳага ҳожат йўқ. Ўзингни жуда бўш ҳам қўйма, жуда сиқилиб ҳам қолма. Ҳалол доираси ичida мувозанатли сиёsat юритгин. б) Нима бўлишидан қатъи назар, ота-онангга мулойим бўл. Уларнинг фикр-мулоҳазаларига қўшилмасанг ҳам уларга нисбатан назокатинг сақла. Бир кун келиб улар айтганларига пушаймонлик билдиришади. Шунинг учун қўпол муносабатда бўлма, оғир гаплардан тийил. Назокат ила тик тур. в) Вақtingни унумли ўтказишга ҳаракат қил, бекорчи нарсаларга вақт сарфлама. Ўқи, ёз, излан, аммо бекор ўтирма. Буюк шахсиятларга ўхшаш пайида бўл. Ибодатларингни оқсатма. Қуръон ўқи. Дуо қил. г) Қизим, ўша аёлнинг исми Осиё эди. У бу дунёни тарк этганига минг йиллардан ошди. Агар Раббинг сени Осиёга айлантироқчи бўлса, бу имкониятни асло бой берма.

Ғайрат қил, сен ҳам Осиё бўл. Минг йиллар яша. Жаннат қушига айлан, Раббингга етиш. Асло умидсизликка тушма. Ҳечам қўрқма. Ҳечам оғринма. Ҳечам йиғлама. Юксак ўйла, қизим, жуда юксак ўйла. Асло ёлғизман деган хаёлга борма, фаришталар сен билан. Улар ҳам сени ҳаяжон билан кузатмоқдалар. Асло уларни хафа қилма. Сен учун учун дуолар қиласман, қизим. Раббим сени асрасин ва юксалтиурсин. Мен учун ҳам дуо қил.

## **Бир лаҳзалик ғафлатдан қандай халос бўлишни билмайман?**

Қадрли устоз,

Сиз билан анча олдин турли сабабларга кўра бир неча бор учрашганман, аммо илоҳий тақдирдирки, бу муносабатлар узилиб қолди. Охирги марта сиз билан гаплашмоқчи бўлганимда, аросатда юрган эдим. Энди эса номи университет бўлгани билан, айниқса, аёллар учун шартлар оғирлашган, Аллоҳнинг ҳадлари қўрқмай бузиладиган маконда илоҳиётни ўрганишга ҳаракат қиляпман.

Ачинарли томони илоҳиётни ўрганаётган дўстларимизда ҳам шунга ўхшаш ҳолатлар жуда кўп кўзга ташлана бошлади. Шундай катта университетда жами ўранган қизларни санасангиз, юзта ҳам ҳижобли қиз чиқмайди. Ҳеч ақлимга сиғдиролмайман, охирзамонда яшяяпмиз, деймиз ва охирзамон аломатларини санаб, ҳукмларини

ўқиганимиз ҳолда бир неча дақиқадан кейин ўша гуноҳни қилаверамиз. Бу қандай виждонки, охир-оқибат дўзахга олиб боришини билсак ҳам ўша гуноҳларни давом эттираверамиз?

Ҳазрат, гуноҳ ёмғирдек ёғадиган бугунги кунда ўзимни қандай мұхофаза қиласман? Бир лаҳзалик ғафлатдан қандай халос бўлишни билмайман? Чунки бузук мұхитда маънавият бўлмаганидан кейин ғафлатда қолиш яна ҳам осон.

Илтимос, бизни, хоссатан мени дуоларингизда эсга олинг. Илоҳиётни муносиб равишда битиришни, ҳижобимизни сақлаб қолишни ва бир қанча инсонга ҳақни танитишда сабабчи бўлишни Раббим бизга насиб этсин.

Ҳазрат, Аллоҳ ризоси йўлида юришга ҳаракат қилаётган қизларнинг ҳаққига дуо қилинг. Раббим сиздан рози бўлсин.

### **Қўрқувлардан ҳимояланган соҳил**

Азиз синглим, қадрли қизим.

Мен сенга: «Агар шундай қилсанг, эртадан бошлаб ҳур бўласан», деган маънодаги аниқ бир тавсияни бера олмайман. Буни ўзинг ҳам биласан. Илоҳиёт факультетида сенинг таъбингни хира қилган нарсани мен ҳам қаерга борсам, шунга ўхшашини бошимдан ўтказаман. Ўзини мўмин деб билган ҳар бир киши буни ҳис қиласди ва ҳис қилишга мажбур.

Мен сенга миннатдорчилик билдириб ўтмоқчиман. Умид қиласанки, Раббим сени ва сенга ўхшаган йигит-қизларимизни Ўзининг нури билан нурлантиради ва сиз фитна-фасодли мұхитта чап бериб, умматимнинг умиди бўлган ёшлар сифатида чиқиб келасиз. Аллоҳ ёрдамчингиз бўлсин, қалбингиз ҳузур ва иймон билан тўлсин.

Сенга ва сенинг ҳолатингдаги қизларимизга аниқ натижаси кўринадиган тавсияларни таклиф қилолмасам ҳам акалик маслаҳатини беришим мумкин. Қуийидаги насиҳатларимни амалга ошира олсанг, Аллоҳнинг изни ила, қўрқувларингдан ҳимояланган соҳилга чиқишинг мумкин бўлади:

1) Ҳаётни ҳамма жойда амалга оширилиши лозим бўлган жидду жаҳд деб билишингиз керак. Жидду жаҳд нафақат жанг майдонларида, балки уйда, мактабларда ва ҳатто масжидларда бўлади. Токи шайтон бу дунёда бор экан ва биз ҳам иймон билан ўлим топиб, Раббимиз ҳузурига боришни ғоя деб билган муддатимизгача жидду жаҳд бўлади.

Жидду жаҳд бизнинг имонимиз, имонимизни исботловчи даъвомиздир. Менимча, сиз илоҳиёт деб атаган жой бу замонда жидду жаҳд энг фаол олиб борилиши керак жойлардан биридек бўлиб турибди. Қисқача тушунирадиган бўлсан, ҳаёт ва имтиҳон уни том маънода тушунишдан бошланади. Жидду жаҳдга ундан қочиш билан эмас, тиш-тирноқ билан ёпишиш орқали эришилинади.

2) Ҳаётимизни энг арзимас бўлиб кўринган нуқталарда ҳам ҳаромдан қочиш асосига қуришимиз керак. Иложи бўлса, умуман ҳаром йўқ мұхит топилади. Имкони топилмаса, ана шу даражага энг яқини қидириб кўрилади. Бунинг учун ҳижратдан бошлаб нима тўғри келса, шуни амалга оширамиз. Фақат хоҳиш-истак билан иш битмайди. Хоҳиш-истакларимиз учун нарх белгиланганда, унинг ҳаққини беришга мажбурмиз. Факультетдан кетишингизга тўғри келиб қолса, шундай қиласиз ҳам. Ҳеч ҳам ҳайрон бўлманг; факультетни тарк эта олмаганингиздан кейин катта-катта гапиришдан нима маъно бор! Мен ҳозироқ кетишини назарда тутмаяпман, лекин ҳар қандай ҳолатга ҳам тайёр туриңг, демоқчиман.

3) Ёлғизлик ҳар доим таҳликалидир. Дарс тайёрлаётганда ҳам, уйда тунаганда ҳам ёлғизлик ҳозир айтиб ўтганимиздек, хавфли ҳолат ҳисобланади. Худди шунга ўхшаб воқеаларни кузатадиган кўз ва фикр юритадиган ақлнинг ёлғиз қолиши ҳам катта хавфдир. Ушбу хавф ақлдан озиш, йўлдан адашиш ёки «ҳеч нарса бўлмаслик» билан ниҳояланиши мумкин.

Ҳеч қачон ёлғиз қолма; сенга тўғри йўлни кўрсата оладиган опанг ёки каттароқ бир инсон, албатта, бўлсин. Уни сев, үнга ишон, итоат қил, лекин ўзингизни асло үнга топшириб қўйма. Дунёда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан бошқа ҳеч кимга ўзимизни юз фоиз топширишимизга арзимайди. Рўпарамиздаги инсон биздан катта ва яхши бўлиши мумкин, лекин ҳеч ким айбдан холи эмас. Буни шундай бил ва шунга риоя эт.

4) Ўзингиз ўқиётган факултетни олимлар етиштириб берадиган маскан деб қабул қилманг. Илм олиш учун зарурий жой сифатида билинг. Бундай қарашиб сизни кимгадир ёки қаергадир ишониб, кейин эса ғафлатда қолишдан қутқаради. Мажбурият юзасидан турган жойингизда сизга берилаётганларнинг керагини олиб, қолганини тарк этасиз. Сизга маслаҳатгўйлик қилувчининг камчиликларини ташқаридан тўлдириб бораверасиз. Шундай йўл тутсангиз, ўзингизни жуда оз зарар етказилган ҳолда қутилиб қоласиз.

5) Ибодатларингизни эътиборсиз қолдирманг, акс ҳолда хароб бўласиз. Кўп дуо қилинг. Кунлик Қуръон ўқишни ҳечам камайтирманг.

6) Дўстларингизни назорат қилинг. Солиҳлар билан бирга бўлишга мажбурсиз. Бу сизнинг бурчингиз. Дўст танлай олмаганингиз учун узрли эмаслигини тушуниб етишингиз керак.

7) Ўзингиз учун ўқиш ва ўқиганларингизни татбиқ этиш ҳаракатида бўлинг. Курсдан курсга ўтиш учун дарсларни қилиш билан бирга яхши мўмин бўлиш учун қўшимча дарслар олинг ва китоблар ўқинг.

Аллоҳ ёрдамчингиз бўлсин, оёғингиз гуноҳларда тоймай, қалбингизни собит қилсин.

## Ягона мақсадимиз Аллоҳ ризосидир

Масжиддан мадрасагача, тижоратдан экин-тикингача, намоздан рўзагача, жиҳоддан зикргача мўмин ўлароқ нима иш қилсак, ҳар бирида ягона мақсадимиз Аллоҳ ризосидир. Фақатгина намоз ўқиётганимизда «Ният қилдим Аллоҳ ризоси учун бомдоднинг суннатини ўқишга» демаймиз. Бу ниятни тилимиз билан айтмай, истеъмол қиласиган ҳатто битта тешиккулчамизни ҳам мўмин қалбимиз Аллоҳ ризосига айлантиришга мажбур. Бу қоида биз ичадиган бир стакан шарбатга тегишли. Стаканни оғзимизга олиб бораётганимизда «Аллоҳ ризоси учун ният қилдим», демасак ҳам ҳаётимизни мўминлардек яшаш учун мужодала қилишимиз гўё умумий маънодаги дуони қамраб олгани учун бу ишни ҳам бош мақсадимиз бўлмиш Аллоҳнинг ризосига кўра қиласиз. Ҳатто Аллоҳнинг ризоси кўзланмай ичилган замзам сувининг биз учун ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Унинг замзам суви экани уни муқаддаслаштириш учун кифоя қилмайди. Сувни сув қиласиган нарса унинг ана ўша ризо ирмоғида оқишидир.

Ҳаётимиз ушбу улкан ўзанда оққандагина, бизнинг масжид томон босган қадамимиз билан спорт учун қўйган қадамимиз битта рўйхатдан жой олади. Шу зайлда қурилган оилалар Аллоҳ ризоси топиладиган майдонга айланади. Савдо-сотиғимиз барокатдан тўлиб-тошади. Силаи раҳм ўшанда ўзининг маъносини топади. Дўстлик, биродарлик ҳақиқий жойига тушади. Сабр ҳақиқати ва натижалари билан фойдаланилган бўлади. Намоз ҳам, ота-онага итоат қилиш ибодатга айланади. Ўшанда Уҳуд тоғ бўлишдан, Бадр эса оддий водийликдан қутулади. Бу

буюк мақсаднинг ўзанидан жой олган оз миқдордаги хайр-эҳсон жаннат баҳосида ўлчанади. Табассумнинг номи садақага айланади. Беморни зиёрат қилиш учун ташриф буюрган киши ўша жойда Аллоҳни топади. Зокир зикри билан самоларда ёдга олинади.

Аллоҳнинг каломи бўлгани ҳолда ҳатто Қуръонни ўқиш ҳам фақатгина «Аллоҳнинг ризоси» ўзанида Қуръон бўлади. «Сен учун Аллоҳим» деб ўқилгандагина битта ҳарфига усма-уст савоб бериладиган тилавотга айланади. Чиройли қироат билан ўқилгани билан үндай ўқилмаган Қуръонни битта даражага кўтарган ҳам ўша бошидаги «Сен учун» деган сўзга садоқатдир. Бу фоний дунёда Унинг ризоси кўзланмаган ҳеч нарсанинг қиймати йўқ. Хоҳ у намоз бўлсин, хоҳ рўза. У учун бўлмаганидан кейин бир қоянинг устида сайр қилиш билан Каъбани тавоф этиш ўртасида қандай фарқ бўлиши мумкин? Тавофни тавоф қиласидиган нарса Аллоҳнинг үйи атрофида Аллоҳ учун айланишдан иборат эмасми? Инсоннинг турмуш ўртоғи билан бирга кечирган ўзига хос дамларини ҳам садақага айлантирган айнан шу ҳаяжондир.

Қонун-қоида жуда аниқ белгилаб қўйилган:

Аллоҳнинг мулкида Аллоҳнинг бандаси ҳар бир ишни Аллоҳ учун қиласиди. Мулки Уники. Бандалар Унинг бандасидир. Амаллар ҳам У учун адо этилади. Мўминнинг басирати билан қаралганда ҳаётни маънога тўлдирувчи синоат ҳам шудир. Шаҳиднинг шаҳидлик сири шунда. Пешона тери билан топганини худди қарзга бергандек эҳсон қилувчи сирни кашф этгандир. Аллоҳнинг мулкида Аллоҳнинг бандаси ҳар бир ишни

Аллоҳ учун қилади. Намозидан закотигача, ҳажидан саёҳатигача, экин-тикинидан тижоратигача, муҳаббатидан нафратигача, ўқишидан ёзишигача, назар ташлашидан кўришигача – ҳар қандай ишда Аллоҳнинг розилигини кўзлайди. Аzon айтган муазzin билан дарс берувчи муаллим бир сафдан жой олади. Аёлининг оғзига бир луқма нарса қўйиб ҳазил-ҳузул қилган мўмин, жиҳод майдонида бўш вақтида оти билан кўнгилхушлик қилган мужоҳид, масжид боғида ўйин ўйнаётган мўмин инсонларнинг фарзандлари – буларнинг барчаси зулҳижжа кунида Аллоҳ учун қурбонликка аталиб, юксак шарафга эришган қўйларнинг рўйхати каби улуғ мартабадан жой олишади.

Дунёмиз бўлмаса ҳам Аллоҳнинг розилиги бўлсин. Бўнинг учун биз ғам чекмаймиз. Аллоҳнинг рози бўлиши жаннат демакдир. Абадий оловдан омонлиқдир. Орзу-мақсадимиз ҳам шудир.

Аллоҳнинг мўлкида Унинг розилиги учун иш қилишнинг шарти фақат Унинг шариатини асос деб олиш билан бўлади. Шариат доирасида қилинган ишлар Аллоҳ учун қилинган бўлиши мумкин. Шариат йўқ деб ҳисобланган ёки эътиборсиз қолдирадиган ишларда Аллоҳнинг розилиги бўлмайди. Намозми ёки рўзами фарқи йўқ. Шариатнинг ягона манба, асҳоби киромни эса шак-шубҳасиз ўзимиз учун ўрнак деб амалга оширилган ишларда Аллоҳ ризосини топишимиш мумкин. Замонавий назариялар ва илоҳийлаштириб юборган одамларимизни биринчи ўринга қўйган пайтимиздан бошлаб мақсадга олиб борувчи йўлдан адашган бўламиЗ.

## Аёл ўзини илмий жиҳатдан етиштириши керак эмасми?

Мұхтарам устоз,

Мен ожизона ақлимга күра бир мавзу устида Ислом дүнёси ҳассослик билан ёndoшиши кераклигига ишонаман.

Сиз Аҳзоб сурасининг 33 ва 59-оятларини «Аёллар зарурат бўлмаганча үйларида қолсинлар» деган мазмунда тафсир қилдингиз.

Бу ҳукмга ҳам фарзандларнинг тарбиясини, ҳам эркакларнинг үйларида етарлича тўя олмасликларини жамиятда келиб чиқадиган муаммоларининг сабаби сифатида кўрсатиб ўтдингиз. Бунинг ечимига Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари – оналаримизни мисол қилиб келтирдингиз. Эркаклар уйда қониқмаса, эҳтиёжини таъминлаш учун ташқаридан чора излайди, дедингиз. Гўё бу эркакларнинг ҳуқуқи деган тушунча ҳосил қиласди. Эркак уйда жинсий эҳтиёжини қондиролмаса ҳам ташқаридан қидирмаслиги керак эмасми?

Чунки бошқа исломий қоидаларда ҳам нафснинг қониққунича тўйдириш тавсия этилмайди. Масалан, бир-икки коса таомга тўймаган эркакка ҳам дастурхондан очлик ҳисси билан туриш буюрилади. Яна бир мисол келтирай: эркаклар машинага ишқибоз бўлишади, лекин уларга эҳтиёжингга керагини ол, қолганини инфок қил, дейилади. Эҳтимол, бу оятнинг ҳикмати бундай эмас, бошқачадир деб ҳам ўйлайман.

Сизнинг бу борадаги изоҳларингизни мингта аёл эшитса, балки битта ёки иккитаси муваффақиятга эришар, қолганлари буни эплай олишмайди. Бу ҳолат бизга Ислом уламоларининг ушбу оят борасида бир тўхтамга келиб ижтиҳод қилишлари лозимлигини кўрсатмайдими?

Яна бир муаммо: бугунги күн шароитни яхши билмайдиган оналар, агар бу даврда болани тарбиялаш билан овора бўлиб, замондан узилиб қолишиша, қандай қилиб эртага ташқарига чиқиб кетган фарзанди билан мулоқот қила олишади? Фарзандини ташқарида нималар кутиб турганидан боҳабар бўлиб, унга ўша талаб даражасидаги жавобни қандай беради?

Шунингдек, эҳтиёж бўлганида кўчага чиқишни қандай тушуниш керак? Аёл ўзини илмий жиҳатдан етиштириши керак эмасми? Аёл киши ҳам илмий изланишларда қатнашиши, сермаҳсул изланишлари билан умматнинг дардига озгина бўлса ҳам ечим топишни мақсад қилолмайдими? (У уйда ўтиrsa ҳам, буюк бир дардга ечим топади, дейдиган бўлсангиз, бизнинг жамиятда турмуш қурмаган аёллар ҳам борку).

Бундан ташқари аёлларнинг иш ҳаётига кириб боришлари дунёда эркаклар ўртасида ишсизликнинг кучайтирганини айтиб ўтдингиз. Аёллар сони 50 фоизни ташкил этади. Мавжуд ишсизликнинг энг юқори кўрсаткичи эса 67 фоизгача чиқади. Назаримда аёлларнинг ҳам ишлаши учун етарли ўрин бор.

Шу билан бирга, устоз, бу оятда Пайғамбаримиз аёлларига хитоб қилинганинг бошқа бир ҳикмати бўлиши мумкин эмасми?

## Қалблар Аллоҳнинг қўлидадир, барчамиз имтиҳондамиз

Аллоҳ таоло сиздан рози бўлсин. Сиз динингиз ҳақида қайғураяпсиз, ўзингизни ва умматингизнинг аёлларини ўйлаяпсиз. Бундай ҳис-туйғу иймондан келиб чиқади. Сизни табриклайман ва сизнинг ҳаққингизга дуолар қиламан. Қанийди барча мўмина аёллар ҳам дунёга сизнинг кўзингиз билан қарай олишса эди!

Яна бир нарсани эслатма сифатида ёзсан фойдадан холи бўлмаса керак. Ҳа, мен сизнинг мақолангиздан «Воажаб?» дея таажжубланмадим. Бир мўмина аёл менинг дарсимдан келиб чиқиб саволлар берса ва у сўраган саволлари одамлар ўртасида умумлаша оладиган хавотирлардан иборат бўлса, нима дейишим мумкин. Жавоб бериш менинг вазифам, кимнидир ишонтириш ёки ишонтира олмаслигим эса менга тегишли масала эмас. Қалблар Аллоҳнинг қўлидадир, кимнинг оқибати қандай бўлишини Аллоҳ билади. Менми ёки бошқа бир киши зиммамизга тушганини қиласиз ёки қиляпмиз. Бизга оид ҳукмни Раббимиз беради.

Мақолангизда ўртага ташлаганингиз масалаларга қисқача жавоб беришим мумкин. Бу ердаги жавобларим билан сизни танқид қилишни эмас, бу борадаги мулоҳазаларимни айтишни кўзлаганман:

1) Аввало, динимизни одамларнинг қайсиadir даврдаги тушунчаларига қараб шакллантира олмаймиз. Инсонлар, хоссатан аёлларнинг мингтадан иккитаси бир нарсани

қабул қиляпти ёки рад этяпти деган мазмунда динни шакллантиришга ҳаракат қилсак, охир-оқибат аҳли китобларнинг ўзларининг китобларига нисбатан тутган йўлларига олиб боради.

Мен ҳам ўзим яшаётган жамиятда сиз эътибор қаратган нарсаларни кўрмоқдаман. Лекин шунга қарамай, бир ўзим қолишга рози бўлган ҳолда иймон келтирганим ҳақиқатлар ҳақида гапираман ва ёзаман. Жуда кўп аёллар мени қаттиқ гаплар билан танқид қилишади, лекин уларнинг қарашларидан келиб чиқиб динимни шакллантиришни хаёлимга ҳам келтирмайман, токи Роббим мени аввалги уммат олимлари ҳақида буюрганидек, китоб ортилган эшакларга қиёсланмай. Бу даврда Раббимиз бизни мана шундай ички сифатни сақлаш ёки эътиборсиз қолдириш билан имтиҳон қилишни ирова этганидан кейин қўлимииздан нима ҳам келарди?

2) Аёлларнинг дарди фақатгина «ўйда қолиш» билан хulosаланадиган муаммо эмас. Аёлларнинг Ислом билан юзма-юз келишларига мажбур бўладиган жуда кўплаб муаммолар бор. Шайтон уларни қиёматгача кўпайтириб, ҳимоя қиласди. Аёллар ҳар сафар боши берк кўчага кириб қолганида биз Раббимизнинг Китоби, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини битта нуқтасидан воз кечамизми? Илтимос, шу жойда жуда нозик бир жиҳатни биргаликда кўриб чиқайлик. Масалан, ҳижобнинг хавотирга соладиган кўринишини олайлик. Қиёматнинг аломати деб аташ мумкин бўлган бу ҳолатга ҳижоб дейилаяпти. Бу разил кўринишини «исломий» деб

аташ учун уламолар йиғилиб, ижтиҳод қилишлари керакми?

Бундай ўнлаб мисолларни келтиришимиз мүмкин. Сизнингча, масалан, туғиши истамайдиган аёллар ҳақида нима дейишимиз мүмкин?

3) «Аёлларнинг уйда бўлишлари, қолиши керак» дегани уларнинг уйдан чиқишини тақиқлашни билдирамайди. Бу иборани шу тарзда тушунадиган бирон-бир олим ҳам йўқ. Ҳаётни тушунишимиз усули сифатида, аёлнинг уй шароитида яшашни қабул қилиши бизга исломий ҳаётнинг талаби ўлароқ кўрсатилган. Чунки уй ва оила асосини аёл ташкил этади. Уйда бўлмаган, яъни уйининг дарди билан яшамаган аёл, қанақасига Аллоҳнинг оила деб аталмиш омонатини қадрлаб яшаши мүмкин? Замонавий дунёнинг савдо марказларида, иш жойи деб номланган ерларда зое бўлган аёл наслини кўраётганимиз бизга ҳужжат бўлиши учун етарли эмасми? Бу уммат кимларгадир кўр-кўrona эргашиш учун юборилмаган. Биз маълум бир тоифаларнигина эмас, балки бутун инсониятни Қуръон ахлоқи билан зийнатлаш учун мавжудмиз. Буни уддалаш қийин туюлиши, бу борада биздан мушкул ишларни адo этишимиз талаб қилиниши мүмкин, аммо биздан кутиладигани шундан бошқа нарса эмас. Зотан, борлиқни мусулмонлаштириш ҳолатида аёлнинг мавжудлиги унинг жиҳод қилиши билан баробардир.

4) Мўмина аёллар турмушга чиқаётганларида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжаларига ҳавас қилиб, хайрли оила қуришни сўраш

ёки вафот этганларида Хадича розияллоҳу анҳога қўшни бўлиш учун узундан-узун дуоларда бўлиш яхши-ю, лекин улар ҳақида тушган оятлар ҳозирги мўминаларга мос келмаслигини қандай тушуниш мумкин? Қани иймон, қани буюк мақсадларни кўзлаган аёл?

Сиз айтган гапларни баҳс-мунозара мавзуси ўлароқ кўрмаяпман, лекин сиз бу масалага ким нима деркин деб эмас, Раббимнинг розилигига мосми ёки йўқ, деган нуқтаи назаридан қарашга ҳаракат қилаётганимни тушуниб турибсиз.

Бу бир имтиҳон, барчамиз имтиҳондамиз. Қийин нарсани кўрган киши уни тарқ этаверадими? Сабр ва қатъият қаерда қолди дейилмайдими?

Ўтинчим, дуо қиласликки, оёқларимиз ва қалбларимиз тоймасин.

Аллоҳга омонат бўлинг.